АБДУҚАҲҲОР ЖАЛИЛОВ

# КОММУНА ИСМОИЛОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**АБДУҚАҲҲОР ЖАЛИЛОВ**

# КОММУНА ИСМОИЛОВА

«Musiqa» нашриёти
Тошкент
2009

Ушбу ўқув қўлланма замонамизнинг бетакрор хонандаси, умрини мусиқа ижрочилигига бахшида этган буюк санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилованинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Қўлланма мусиқа соҳаси бўйича барча академик лицей ва коллежларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг мутахассислик, ансамбль ва ижрочилик амалиёти фанлари учун мўлжалланган.

*Масъул муҳаррир:*

С.БЕГМАТОВ – санъатшунослик номзоди, доцент.

*Тақризчилар:*

Р.ҚОСИМОВ – ЎзДК анъанавий ижрочилик кафедраси мудири, профессор;

И.ДЕҲҚОНОВ – Тошкент маданият коллежи директори, доцент.

ISBN 978-9943-307-46-9

«Musiqa» нашриёти, 2009.
А.Жалилов, 2009.

# К И Р И Ш

Мусиқа санъати инсоният маънавиятининг калитидир. Мусиқа орқали дунёни англаш, тушуниш доимо ўзининг ижобатини топиб келган. Шунинг учун ҳаётда мусиқа билан ошно бўлган, мусиқанинг сеҳрли садоларидан баҳраманд бўлган инсонларгина эзгу ишларга қўл урганлар. Зеро, мусиқа ижодиётнинг илҳомлантирувчи кучи ҳамдир. Шу боис бўлса керак, ўтмишда яшаб ижод этган олим-у фузалолар, шоир-у адиблар, файласуф-у иқтисодчилар мусиқа билан ошно бўлишга ҳаракат қилганлар. Унинг сир-у асрорларидан чуқуррок бохабар бўлиш учун урринганлар.

Дунёда мусиқасиз ҳаётини тасаввур эта олмайдиган, улкан қалб эгаси ва ўз касбига фидоий шундай инсонлар борки, уларнинг тақдирида инсониятга, халқига хизмат қилишдек машаққатли, беминнат, лекин шарафли меҳнат битилган. Бинобарин, уларга Яратган томонидан беназир овоз, истеъдод ва шунга мос бардош инъом этилган. Табиатнинг ушбу неъматларини англаб, ундан ҳаётида тўғри, оқилона фойдалана олган санъаткоргина, аввало, ижобатини, қолаверса, ҳаётдаги ўрни ва мавқеини топа олади. Пировардида эл севган санъаткор бўлиб, халқ орасида доимо ардоғда бўлади.

Ана шундай санъаткорлардан бири, 65 йил давомида халқимизга беминнат хизмат қилиб, ўз санъати билан мухлислари қалбидан чуқур жой олган, эъзозига сазовор бўлган таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, беназир устоз Коммуна Исмоиловадир.

Коммуна Исмоилова 2009 йилда 82 баҳорни қарши олдилар. Шу воқеа сабаб бўлиб, таниқли санъаткорнинг оддийгина бир шогирди сифатида уларнинг ҳаёт йўли ва ижодлари ҳақида бир рисола битиб, келажак авлодга тақдим этишни лозим кўрдик.

Китобда устоз санъаткорнинг ҳаёт ва ижод йўлларини ўзларининг бизга сўзлаб берган қизиқарли ва ҳаяжонли воқеалари, устозларнинг суҳбатлари, шогирдларининг завқ билан зикр этган фикрлари асосида ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Ундан ташқари, келажак авлод учун керакли бир манба бўлсин, деган ниятда опанинг 41 та энг сара қўшиқ ва ашулаларининг нота намунасини беришни ҳам лозим кўрдик.

Коммуна Исмоилованинг мусиқа санъати ижрочилигига қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Ўзбек халқ мусиқа намуналаридан ташқари, устоз бастакорларнинг ижодидан намуналар энг муҳим тармоқни ташкил этади. Зеро, кўпчилик бастакорлар Коммуна Исмоилованинг ижро маҳорати ва ижрочилик услубига мос ҳолда асар яратганлар. Опа томонидан ўзбек композиторлари яратган асарларнинг ижроси алоҳида эътиборга лойиқ. Шу билан бирга, қардош халқларнинг мусиқий намуналарини ўзгача меҳр билан ижро этганликлари ҳар бир хонишда ўз ифодасини топган. Ушбу рисолани Коммуна Исмоилованинг ана шундай беназир ижодидан бир қатра, дейиш мумкин.

## КОММУНА ИСМОИЛОВА

*(Ҳаёти ва ижодий йўли)*

Ўзбек халқининг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти, бетакрор овоз соҳибаси Коммуна Исмоилова 1927 йилнинг 15 декабрида Хоразм вилояти Хива шаҳрида, зиёлилар оиласида таваллуд топган. Отаси Қурбон Исмоилов ўқимишли, зиёли инсон бўлиб, Хива шаҳридаги «Хива коммунаси» газетасининг муҳаррири бўлган. Онаси Бекажон Исмоилова эса, ўша даврдаги хотин-қизлар мактабида ўқиган. Улар тўнғич фарзандларига Уллибиби деб ном қўйишган. Ҳаёт тақозоси билан шаҳар ҳокими Қурбон Исмоиловнинг фарзанд кўрганидан хабар топади ва ўзи муҳаррирлик қилаётган газетанинг номига мос қилиб, қизини Коммуна деб аташни маслаҳат беради ва бу фикр ҳаммага маъқул бўлади. Шу баҳона Исмоиловлар оиласининг тўнғич фарзанди жажжи қизалоқни Коммуна деб атай бошлайдилар.



*Коммуна Исмоилова ота-онаси Қурбон Исмоилов ва Бекажон Исмоиловалар билан бирга.*

1928 йили Коммунанинг ота-онасини Тошкентдаги Университетга ўқишга юборишади. (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети САГУ деб номланган). Улар 4 йил давомида университетда ўқиб, Тошкентда яшайдилар. Университетни битиргандан сўнг, 1932 йили Қурбон Исмоилов Манғит туманига ҳоким, Коммунанинг онаси эса, хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинланади. Шу даврларда Манғит тумани Хоразм вилоятига қарашли эди. Айни пайтда, ушбу туман Қорақалпоқ ҳудудига киради. Коммунанинг отаси 1934 йили Хоразм вилояти ҳокимининг муовини этиб тайинланганлиги сабабли уларнинг оиласи Урганчга кўчиб келишади. Шу йилдан бошлаб, Коммуна Урганчдаги ўрта мактабда ўқий бошлайди. Коммуна мактабда ўзининг ўткир зеҳни ва айниқса, санъатга шайдолигини намоён этади. Ўртоқларининг орасида ажралиб туришига Коммунани айнан ширали ва қўнғироқдек овози сабабчи бўлди. Коммунанинг санъатга бўлган меҳри уни нафақат мактаб муҳитида, балки театр томошаларига ҳам тез-тез қатнашишига ва санъаткорлар билан танишишига туртки бўлди.

1935 йили замонасининг таниқли санъаткори Тамарахоним бир йил давомида Хоразм театрида ишлаган. Тамарахоним билан бирга машҳур Охунжон қизиқ, Карим Зокиров, Пўлатжон Раҳимов, Зуҳур Қобулий, Нусрат аялар ҳам бирга келиб, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби бир қатор спектакллар намойиш этишган. Коммуна ана шу спектакль массовкаларида иштирок этадиганларга қўшилиб, ҳар куни спектаклларда қатнашарди. Спектаклларда иштирок этиш, санъаткорлар даврасида юриш Коммунанинг санъатга бўлган иштиёқини янада оширади. Қўшиқ ижрочилигида ўзини янада эркин сеза бошлайди.

Коммуна опанинг эслашларича, Тамарахоним «Лайли ва Мажнун»да Лайлини, «Фарҳод ва Ширин»да Ширинни, Нусрат ая эса Моҳинбонуни ўйнар эканлар. Коммуна шу пайтда қора куяга бўяниб, ҳабаш қиёфасида Хусравни елпиғичда елпиб туриш вазифасини бажариб турар эди. Коммунанинг кеч қолиб келишидан хавотирга тушган отаси Қурбон ота театрга қизини ахтариб келар эди. Кунларнинг бирида Тамарахоним Коммунанинг отасига, «Қизингиз Коммуна санъатга жуда ҳам қизиқар экан. Овози ҳам жуда чиройли, нолали. Ҳали кўрасиз, у бутун республикага донғи кетган машҳур санъаткор бўлади. Унинг келажаги порлоқ. Сизларнинг номингизни бутун дунёга таратади...», – дейди.

Коммуна Исмоилова мактабда ўқиш билан бирга, кўнгил қўйган қўшиқларини куйлаб, устозларидан санъат сирларини ўрганиб, ижрочилик малакасини ҳам ошира боради.

1942 йили у ўқитувчилар тайёрлайдиган 6 ойлик муаллимлик курсига ўқишга кириб ўқийди. Шу даврда иккинчи жаҳон уруши бошланиб, Тошкентда ҳарбий ансамбль ташкил этилади ва мунтазам тарзда концерт гастроллари ташкил этила бошланди. Ансамблга таниқли санъаткор Гавҳар Раҳимова бошчилик қилган.

1943 йилнинг февраль ойида ушбу ансамбль Хоразмга концерт гастроль сафари билан келади ва Коммуна ўқиётган муаллимлик курси биносининг ёнидаги меҳмонхонага жойлашади. Ўша пайтда Коммуна муаллимлик курсини тугатиш арафасида эди. Бинонинг иккинчи қаватидаги дераза олдида Коммуна Тўхтасин Жалиловнинг Собир Абдулла сўзи билан «Қурбон Умаров» спектаклига ёзган қўшиғини хиргойи қилиб турарди:

Ташлама бунда мани майдонда ҳам ёринг бўлай,
Дори-дармонлар тутиб, ёнингда ҳамроҳинг бўлай.

Бормасам бўлмас, Ватан фарзандиман орим келур,
Ёв томон қутлуғ ҳужум қилмоқда ҳамроҳинг бўлай.

Эл ҳаётига заҳар солмоқчи бўлганларни янч,
Сен билан бирга бўлай, бирга зафардоринг бўлай[1].

Худди шу пайтда гастролга келган санъаткорлар меҳмонхонадан чиқиб, бино ёнидан ўтиб борардилар. Коммунанинг ижросини тинглаб, устоз созанда Фахриддин Содиқов билан Гавҳар Раҳимова бинога кириб, уни сўроққа тутишади. Яхшигина овози борлигини уқтиришади. Зарур тарбия ва билим олса, рисоладагидек санъаткор бўлишини айтиб, бирга Тошкентга кетишни таклиф қилишади.

Шунда Коммуна ихтиёри ота-онасида эканлигини ва агар улар қарши бўлмасалар, бу таклифни жону-дили билан қабул қилишини айтади. Коммунадаги бебаҳо истеъдодни баҳолай олган устоз Фахриддин Содиқов унинг отаси Қурбон Исмоилов билан суҳбатлашади ва шароитни тушунтиради, Коммунанинг бетакрор истеъдод эгаси эканлигини уқтиради. Устозларнинг фикрини билиб, уларнинг таклифини мушоҳада қилиб кўргандан сўнг Коммунанинг ота-онаси камтарлик ва хижолат билан рози бўлишади.

Ушбу воқеа хусусида Р.Юнусов «Фахриддин Содиқов» монографиясида ёзади: «Бир муддат ўтгандан сўнг ҳарбийлашган санъатчилар гуруҳи Хоразм томон хизмат сафарига отланади. Бу ерда кўплаб концертлар уюштирилади, ижодий учрашувлар бўлиб ўтади. Берилган томошаларда маҳаллий ёш ҳаваскор хонанда ва созандалар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишга ошиқарди. Улар орасида Коммуна Исмоилова ўзининг мусиқий иқтидори, ширадор овози ва жасур феъли билан Г.Раҳимова билан Ф.Содиқов назарига тушади»[2].

---

[1] «Қурбон Умаров» мусиқали драмаси; Т.Жалилов ва Г.Шперлинг мусиқаси, С.Абдулла ва Чустий либреттоси. 1941 йил.
[2] *Р.Юнусов* «Фахриддин Содиқов» Т., 2005 й., 46-б.

Ушбу фикрлар ўзбек мусиқашунос олимлари К.Олимбоева, Т.Йўлдошбоева, М.Аҳмедов ва Т.Мирзаевлар томонидан нашр этилган «Ўзбек халқ созандалари» китобининг II жилдида (Тошкент – 1974 йил) ҳам қайд этиб ўтилади.

1943 йилнинг 11 февралида Коммуна Исмоилова Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги фронт бригада ансамблига қўшилиб, Тошкентга келади ва устоз санъаткорлар билан бир сафда ижрочилик фаолиятини бошлайди. Коммунанинг ансамблдаги илк қадамлари иш фаолияти эмас, балки кўпроқ ижрочилик анъаналарини ўрганиш, сабоқ олиб, маҳоратини ошириш, ижро услубини ўзлаштириш каби ижрочилик мезонлари билан боғлиқ бўлган, десак тўғрироқ бўлади. Чунки бу давр ҳақида Коммуна Исмоилованинг ўзи қуйидаги фикрларни зикр этганлар:

– «Мана шу таклиф ҳаётимни, тақдиримни ҳал қилди. Тошкентда ажойиб ижодий муҳитга тушдим, инсондаги хонандалик истеъдодини бир ноёб ҳодисадай қадрлайдиган устозлар назарида қадр топдим. Бу устозлар менда бор овозимни камолотга етказишди, сайқал беришди. Қўшиқ, ашула, мақом ижроси – алоҳида санъат эканлигини шу ерда англадим»[3].

Дарҳақиқат ансамбль 16 кишидан иборат эди. Устоз-созанда ва бастакор Фахриддин Содиқов – мусиқа раҳбари (чанг), Муроджон Қосимов (най), Сайфиддин Йўлдошев (ғижжак), Ғофир Азимов (дойра), қолган қиз-аёллар. Гавҳар Раҳимова эса ансамблнинг бадиий раҳбари эди.

Ансамблга мусиқаларни устоз Фахриддин Содиқов танлаб ёки басталаб ўргатар эди. Коммуна Исмоилова ҳам секин-аста устоз сабоғи ёрдамида қўшиқлар ижро эта бошлайди.

1943 йили ушбу ансамбль таркибида Коммуна Исмоилова илк бор концерт гастрол сафарига чиқади. Сафар биринчи Украина фронти жангчилари билан учрашув концертидан бошланади. Ёш Коммуна устозлар даврасига секин-аста кўникиб боришга ҳаракат қилади. Ундаги жасурлик, санъатга бўлган иштиёқ ҳамда сабр-бардошлилик оғир дамларда ҳам вазиятга кўникишга ёрдам беради. Устозлари сафида ҳам ўрганиб, ҳам ижро этиб, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилади.

Ансамбль дастуридан аввал Коммунанинг турли халқ термалари, қўшиқ ва яллалари ўрин олган бўлса, кейинчалик унинг ижро репертуаридан таниқли бастакорлар асарлари ҳам ўрин ола бошлайди. Биринчи ижодий сафарнинг ўзидаёқ устозлар Ф.Содиқов ва Б.Мирзаевлар «Зебихон номинг учун» қўшиғини яратиб, Коммуна Исмоиловага ўргатишади.

Жасур жангчи Зеби Ғаниеванинг мардонавор жасорати ҳақида куйловчи ушбу қўшиқ жанг майдонида яратилган эди. Бу хусусда бастакор Ф.Содиқовнинг қўлёзма эсдалик дафтарида қуйидаги сўзлар зикр этилган: «Бу қандай қўрқмас аёл экан, деб суриштирсалар, ўзбек қизи Зеби Ғаниева экан. Бундай қаҳрамонларча ҳаракатда бўлган бу ўзбек қизи билан фаҳрланиб, ҳаммамиз ҳаяжонланиб кетдик ва илҳомланиб, Бобораҳим ака билан ҳамкорликда шу жойнинг ўзидаёқ Зеби Ғаниевага бағишлаб қўшиқ яратдик. Сўзларини Бобораҳим Мирзаев ёзди. Мен куй ишлаб, Коммунахон Исмоиловага айттирдик. Бу қўшиқ фронтлар бўйлаб доим айтилиб, жаранглаб кетди»[4].

Дарҳақиқат, қўшиқ ўзбек қизининг қаҳрамонона образини акс эттириб, ўзбекона сеҳрли оҳанглар орқали беназир санъат намунасига айланган эди. Қўшиқ матнида шахс, Ватан, бурч ва садоқат каби туйғулар содда шаклини топган.

Сен қурол олдинг қўлингга,
Эл учун, шонинг учун.
Гул диёринг, ёру-дўстинг,
Ҳам қадрдонинг учун.

Қақшатур отган ўқинг,
Шарманда ёвлар тўдасин.
Чунки сен ўзбек қизисан,
Шул улуғ номинг учун.

Демасин қўрқоқ сени –
Деб жангга кирдинг, қайтмадинг.
Чунки сен содиқ Ватанга,
Зебихон номинг учун.

---

[3] *Ҳасан Ражабий.* «Эл эъзозидаги санъаткор», Халқ сўзи, 2007 й., 16 январь.
[4] *Р.Юнусов.* «Ф.Содиқов», монография. Т., 2005 й., 41–42-б.

Белни боғлаб наъра тортдинг,
Минг йигитга бош бўлиб.
Қайтма жангдан олға бос,
Халқинг, қадрдонинг учун.

Чунки сен ўзбек қизисан,
Зебихон номинг учун.

Коммуна Исмоилованинг хонандалик соҳасидаги илк устози Ф.Содиқов қўшиқни айнан шогирдининг овоз имкониятларига мослаб яратган эди. Шу боис қўшиқ ўзига хос таъсирчан ва тароватли ҳамда жонлантирувчи хусусият касб этган.

«Фахриддин Содиқовнинг хонандалар ичида илк шогирди, иккинчи жаҳон уруши фахрийси, ўз вақтида мазкур фронт-концерт бригадаси таркибига қўшиб олинган асли хоразмлик ёш ҳаваскорлардан бири, айнан шу қўшиқнинг биринчи ижрочиси Ўзбекистон халқ артисти, Коммуна Исмоилова бўлган»[5]. Коммуна Исмоилова Ф.Содиқов ва бошқа устоз санъаткорлар билан айни шу фронт-концерт бригадаси таркибида 1945 йилнинг май ойига қадар мингдан ортиқ концертлар беришга муяссар бўлади. Бу эса Коммуна Исмоилованинг санъат оламига кириб келиб, ўз ўрнини топишида жуда катта мактаб бўлиб хизмат қилади. Унинг хизматлари эса бир нечта орден ва медаллар билан тақдирланди.

1945 йили Тошкентга қайтган жамоа концерт гастролларини давом эттиради. Ижро дастурлари янги яратилган асарлар билан бойиди. Узоқ сафарларда юрган кезларида устозлар ёрдамида Коммуна Исмоилова бир қатор қардош миллатларнинг халқ қўшиқларини ўзлаштиради. Ҳар бир юртда бериладиган концертларда иложи борича шу халқга мансуб қўшиқ ижро этишга ҳаракат қилар эди. Айниқса жангчиларнинг кўпмиллатлилиги ансамбль иштирокчиларини барча қардош халқларга мансуб асарларни ижро этишга ундарди. Ана шундай қўшиқлардан «Саратовские частушки», «Кольхозная полька», «Пойду – выйду», «Катюша», «Эх, дороги» кабиларни меъёрига етказиб ижро этиб, тингловчилар эътиборини қозонар эди. Коммуна Исмоилова қайси бир халқ, яъни украинчами, белорусчами, русчами, славянчами қўшиқни ижро этмасин, унинг беғубор кулгиси ва овоз тароватi қўшиққа ўзига хос жозиба бахш этарди.

1946 йилнинг февраль ойида Коммуна Исмоилова ижодий жамоа билан яна Хоразмга йўл олади. Ўзининг туғилиб ўсган юртида таниқли санъаткор Комилжон Отаниёзов билан илк маротаба кўришади ва қадрдон бўлиб қолади. Зукко устоз Коммуна Исмоилованинг қанчалик маҳорат билан қардош халқлар қўшиқларини ижро этаётганини кўриб қувонади. Унинг ижро маҳоратига таҳсин айтади ва устозлардан олган сабоғидан шодланади. Комилжон Отаниёзов Коммунанинг ўзи Хоразмлик бўлиб, ижро репертуарида Хоразм қўшиқлари камлигини сезади ва унга бир-икки достон йўлларидаги қўшиқлардан ўргатади. Унинг илк қўшиғи «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидан Ғарибнинг онаси томонидан ижро этиладиган номаси, яъни «Болама ўхшайди овозинг сани» қўшиғи эди.

Ушбу қўшиқни Коммуна Исмоилова 1946 йили Тошкентда эндигина қуриб битилган ҳашаматли бино, Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет катта театрининг очилиш маросимида илк бор ижро этади. Урушдан кейинги йиллар, залда ўтирган ҳар бир инсон бу қирғин баротнинг захмидан тортган, қалблари қайғуга тўла. Қўшиқ эса, дарҳақиқат, эҳтиросли, ўғлини йўқотган онаизорнинг нолиши. Уни тинглаган ҳар бир инсоннинг қалбини жунбушга келтиради. Залда ўтирганлар орасида кўзига ёш олмаган инсон қолмайди. Қўшиқ якунига етгандан сўнг тингловчилар яна бир бор қайтариб ижро этилишини сўрайдилар. Коммуна Исмоилова қўшиқни қайтадан ижро этади.

---

[5] Шу манба, 43-бет.

# ЎҒЛИМА ЎХШАЙДИ ОВОЗИНГ САНИ

«Ошиқ Ғариб» достонидан *К.Отаниёзов* мусиқаси




Ҳақ ўзи етирган азиз меҳмоним,
Ўғлима ўхшайди овозинг сани.
Тез хаварин бергин чиқмасдан жоним,
Болама ўхшайди нолишинг сани.

Ўғлим кетди султон бошим хор бўлди,
Ўғлимни кўрмакка кўнглим зор ўлди.
Йиғламоқдин икки кўзим кўр бўлди,
Ғариба мангзийди овозинг сани.

Аввал бошдан мани ёзим кетибди,
Қўлимдан ўрдагим, ғозим кетибди.
Қўйнимдан айрилиб, қўзим кетибди,
Қўзима ўхшайди овозинг сани.

Ўғлим борган жойга сен ҳам борибсан,
Ўғлим билан созу суҳбат қурибсан.
Ё ўғлимсан, ё ўғлимни кўрибсан,
Ўғлима ўхшайди овозинг сани.

Ғариба мангзийди нолишинг сани,
Ўғлима ўхшайди овозинг сани.

Ушбу онлар Коммуна Исмоилованинг санъатдаги парвозларидан бири ҳамда ўзбек мусиқа меросини яна бир бетакрор мусиқий намуна билан бойиган дақиқалари эди. Бундан руҳланган устоз Комилжон Отаниёзов Коммуна Исмоиловага «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидан яна битта қўшиқ, яъни «Озод қил» қўшиғини яратиб, ўргатади.

1946 йилнинг декабрида Коммуна Исмоилова навбатдаги иш таътилини олиб, юрти Хоразмга, ота-онаси бағрига қайтади. Фарзандини соғинган ота-онаси унга энди Тошкентга кетишига рухсат бермаслигини ва Хоразмга ҳам санъаткорлар кераклигини айтиб, олиб қолишади.

Коммуналарнинг оиласи унча катта эмас, укалари Шавкат, Шуҳрат, Алишерлар ота-онасига ёрдамчи эдилар. Лекин Коммунанинг ўрни бошқача эди. Оилада энг севимли, қолаверса, бир

қиз эканлиги унинг ардоқланишига ҳам сабаб эди. Шу ондан бошлаб Коммуна Исмоилова Хоразм театрида иш фаолиятини бошлайди. Коммуна ўзининг тиришқоқлиги билан тез орада театр репертуаридаги спектаклларни ўзлаштириб олади. У «Нурхонда» Жамила, «Тоҳир ва Зуҳра»да Моҳим, «Муҳаббат гули» каби спектаклларда қатор ёрқин образларни яратишга муваффақ бўлади. Хоразм театрида устоз Комилжон Отаниёзов билан бирга саҳнага чиқар, устоз эса доимо Коммунанинг ўз ролини бенуқсон ўйнашида кўрсатмалар бериб, назорат қилиб турар эди. Театрда Комилжон Отаниёзов, Ваҳобжон Фаёзов, Анабиби Очиловалар билан доимо бирга саҳнада бўлиб, ҳамкорлик қилади.

Коммуна Исмоилованинг Хоразм театридаги фаолияти кўпга чўзилмади. Оз вақт бўлса-да, самарали ва мазмунли ижод қилди. Устози Комилжон Отаниёзов сабоқларини олди. 1947 йилнинг июнь ойида Тошкентга қайтди ва Ўзбек давлат филармониясида хонандалик фаолиятини давом эттирди.

Коммуна Исмоилова 1948 йили ўз даврининг ажойиб санъаткори, хонанда Ҳакимжон Файзиев билан турмуш қуради. Улар биргаликда санъаткорлар оиласини қуриб, элга танилдилар.

Коммуна Исмоилова 1957 йилгача ўзбек давлат филармониясида фаолият кўрсатиб, мусиқа ижрочилиги равнақига муносиб ҳиссасини қўшади. Ижодининг юксак чўққиларига эришади. Қардош халқлар қўшиқлари, ўзбек бастакорлари яратган қўшиқлар ва халқ мумтоз мусиқа намуналарини Радионинг олтин фондига ёзишга муяссар бўлди. Айниқса замонавий композиторлар билан ҳамкорлик ишлари жонланди. Унинг халқ олдидаги меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. 1949 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди.

1959 йили уни ўзбек Радиосига яккахон хонанда сифатида ишга олишди. Бу эса унга қўшиқ, ашулаларини доимий тарзда тингловчиларга етказиш, магнит тасмаларига ёзиш, ижодкорлар билан доимий тарзда ҳамкорликда бўлиш учун катта имконият эди. У С.Жалил, Ҳ.Раҳимов, Б.Гиенко, Ф.Назаров, В.Зудов, Х.Изомов, Д.Зокиров каби композиторлар, Т.Жалилов, Ф.Содиқов, К.Жабборов, С.Ҳайитбоев, Н.Ҳасанов, Ғ.Тошматовдек бастакорлар билан ҳамкорлик қилди. Ижро репертуарини эса профессионал мусиқа намуналари билан бойитди. «Табриклайман» (Н.Ҳасанов, Р.Қосимхўжаева), «Гулнора» (К.Отаниёзов, А.Бобожонов), «Ойшахон» (Д.Зокиров, А.Пўлат), «Хаёлим сенда» (Ҳ.Раҳимов, Т.Тўла), «Оқ олтин карвон-карвон» (Ф.Содиқов, З.Обидов), «Ёшлик чоғимда» (С.Жалил, Ҳ.Олимжон), «Ўйланма» (К.Отаниёзов, А.Бобожонов) каби мусиқий намуналар шулар жумласидан.

Ўша пайтда кўпгина ижодкорлар ўз асарларини айнан Коммуна Исмоилова ижро характерига мослаб, овоз имкониятларини назарда тутиб, ижро услубига хос муқобил асар яратишга уринганлар. Шу боис бўлса керак, шу даврларда Коммуна Исмоиловага хос ижро услуби шакллана бошланади. Буни биз композитор Сайфи Жалилнинг Ҳамид Олимжон шеърига басталаган «Ёшлик чоғимда» қўшиғида ҳам кўрамиз ва айнан Коммуна Исмоилова ижро услубига ёрқин мисол бўлишини эътироф этамиз. Қўшиқ жуда нозик ва нафосатли бўлиши билан бирга, ёшликни мадҳ этувчи пурмаъно сўз, ёрқин ва жўшқин куй оҳангида ўзининг чиройли ифодасини топган.

## ЁШЛИК ЧОҒИМДА

*Ҳ.Олимжон* сўзи — *Сайфи Жалил* мусиқаси






Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.

*Нақорат:*
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қучоқ-қучоқ гуллар терганим,
Ва келтириб сенга берганим,
Кечагидек ҳамон эсимда,
Ҳар сония ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда номинг,
Шундан бери дилимда номинг.

1959 йили Радио қошида мақомчилар ансамблининг ташкил этилиши муносабати билан замонанинг энг моҳир созандалари ва устоз хонандалари ансамблга жалб этилади. Ансамблнинг раҳбари устоз санъаткор, бастакор Юнус Ражабий Коммуна Исмоиловани ҳам ансамблга таклиф этади. Коммуна Исмоилова ҳаётида энг масъулиятли ва ҳаяжонли дамлар бошланади. Шу пайтгача у кўпроқ замонавий мусиқа ижодиёти намояндалари ва ижрочилари билан ҳамкорлик қилиб келган бўлса, энди ҳақиқий анъанавий мусиқа меросининг усталари – халқ мумтоз мусиқасининг билимдонлари билан ҳамкорлик қилишига тўғри келди. Бу хонанданинг ҳаётидаги яна бир катта сабоқ ва ижод мактаби эди. Жамоа 6-7 йил давомида жуда катта ҳаракатлар билан «Шашмақом»нинг ашула йўлларини ўзлаштириб, замонавий талқинда магнит тасмасига ёзиш мажбуриятини олган эди. Бу эса жамоага ва жамоанинг ҳар бир хонанда ва созандасига жуда катта масъулият юклайди. Ансамбль иштирокчилари томонидан ҳам масъулиятга кўра ҳаракат ва ижодий иш олиб борилган.

Шу даврда Коммуна Исмоилова ҳаётида рўй берган воқеалар унинг ҳаётига ва ижодий фаолиятига катта ижобий таъсир этди. Яъни Коммуна Исмоилова 1960 йили Ф.Содиқовнинг «Хумор» қўшиғини ижро этади. Шу пайтда унинг оиласида қиз фарзанд туғилади. Қўшиқ шунчалар ёқимли ва Коммунанинг дилига мос тушгани учун ўз қизига Гулхумор деб ном қўйди. (Ҳозирда Коммуна Исмоилованинг Орзигул, Гулруҳ ва Бекажон исмли учта набираси бор.

Шуни қайд этиш жоизки, ўша даврда мақом ансамбли «мақом академияси» каби қизғин фаолият олиб борган, десак муболаға бўлмас. Шу боис иш жараёнини Коммуна опанинг талқинида баён этсак, тўғрироқ бўлади. Коммуна Исмоилова шундай эслайди: – «Раҳбаримиз Юнус ота Ражабий раҳбарлигида 1965 йилгача «Шашмақом»ни пластинкага ва шу билан бирга, нотага ҳам ёзиб бўлинди. Иш жараёни жуда қизиқарли ва жуда машаққатли эди. ҳар бир хонанда ва созанданинг ўрни бор, жойи бор ва шунга тегишли вазифаси белгилаб берилган эди. Юнус ота қанчалик қаттиққўл бўлмасинлар, аввало, ўзлари қиладиган ишни кўрсатиб берардилар. Ҳар бир асарни уйда алоҳида ўрганиб келиб, бизга кун бўйи ўргатар эдилар. Кечаси эса пластинкага ёзилар эди. Бордию, устозимиз Фахриддин Содиқов келмай қолсалар, чолғучилар бошлай олмасдан туришарди. Шунда Юнус ота (ҳазиллашиб) «ҳаммангни сотиб Фахриддинга едириш

керак» дер эдилар. Фахриддин Содиқовнинг билимдонлиги ижрога пишиқлигини Юнус ота ҳам қаттиқ кадрлар эдилар. Устозим Фахриддин ака ҳар бир мақом парчасини қочирим нолаларигача чангда чалиб, кўрсатиб берар эди. Юнус Ражабий қўлларида дуторни олиб, ҳар биримизга бирма-бир айтиб, ўргатар эдилар. Мабодо ўзимизга бир ошиқча нола ёки безак берсак, тўхтатиб, бошқатдан уқтирардилар. Шундай ўргатар эдиларки, кўзимиздан ёш чиқиб кетар эди.

Карим Мўминов, Ортиқхўжа Имомхўжаевларнинг ширали овозлари ёдимдан чиқмайди. Ориф Алимахсумовнинг нафаси жуда баланд эди, унинг устига ажойиб бир хислати бор эди. Бугун ўргатилган мақомни эртасига ёддан айтиб берар эди. Орамизда асарни тез ёд олишга жуда пишиқ инсон шу киши эди. Берта Давидова билан мен аёллар овозини айтар эдик. Шокирхўжа билан Сирож Аминовга алоҳида бўлаклар бериларди. Чунки уларнинг нафаслари бир-бирига жуда мос эди. Дуторда Зокиржон ака, найда Исоқжон ака, танбурда Турғун ака, дойрада Дадахўжа акалар Фахриддин аканинг ёнида туриб ансамблда чалишарди»[6].

Коммуна Исмоилова мақом ижоди ва ёзуви билан шунчалар банд бўлишига қарамай, хонандалик фаолиятини тўхтатмайди. Қадрдон устозлари, бастакорлар билан ҳамкорликни давом эттиради. Унинг ижро репертуарида мумтоз мусиқа намуналари, бастакорларнинг мумтоз услубда яратган ашулалари кенг ўрин олган. Шу давр давомида Ф.Содиқовнинг «Эй чеҳраси тобоном» (Муқимий), «Бир гўзал» (Миртемир), «Сўлим баҳор» (А.Исроилов), Саиджон Калоновнинг «Зебо ўлкам» (А.Исроилов), «Дўппи тикдим» (Т.Тўла), Комилжон Жабборовнинг «Шифокорлар» (П.Мўмин), Дони Зокировнинг «Мирзачўлнинг қизлари» (А.Пўлат), Фаттоҳ Назаровнинг «Меҳнат нашидаси» (Я.Қурбонов), Собир Сафоевнинг «Ёр мактуби» (Т.Тўла) ва бир қатор мақом намуналарини Радионинг олтин ёзувлар фондига ёзишга эришади. Коммуна Исмоилованинг ҳар бир айтган асари ўзига хослиги билан ва услубининг ёрқин намунаси сифатида тарихга битилади ва ижро амалиётида ўрнини топади. Айниқса маҳоратли созанда ва бастакор Комилжон Жабборовнинг, шоир Пўлат Мўмин шеърига басталаган «Шифокорлар» асари ўзининг оригиналлиги билан ижрочилик санъатида ажойиб сиҳифа очди. 1962 йил сўз ва куйнинг мутаносиблиги, ижрочининг сеҳрли оҳанг талқинида гўзал уйғунлигини топган.

## ШИФОКОРЛАР

*Пўлат Мўмин* шеъри — *Комилжон Жабборов* мусиқаси




[6] Коммуна Исмоилованинг суҳбатидан. 2007 й., май.

Мен сиздан даво топдим,
Жонга жон шифокорлар
Мақсади саломатлик,
Меҳрибон шифокорлар.

Инсоннинг ҳаётига,
Чанг солса агар бир хавф,
Илмни қурол қилган,
Посбон шифокорлар.

Чин дилдан юракларга,
Бергайсиз даво малҳам,
Меҳрингиз қуёш гўё,
Жонажон шифокорлар.

Илмингиз қуёшидан,
Қалбларга югургай нур,
Халқ учун бўлинг Сиз ҳам
Соғ, омон шифокорлар.

Коммуна Исмоилованинг ўзбек мусиқа санъатида кўрсатган бебаҳо хизматлари эса, 1964 йили давлатимизнинг «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирланади. Давлатимизнинг ушбу юксак баҳоси Коммуна Исмоиловани янада руҳлантириб юборади. Унинг ижро репертуарини мумтоз асарлар ҳамда Ватанни мадҳ этувчи, эзгулик ҳамда садоқатга чорловчи замонавий асарлар билан бойитди.

Коммуна Исмоилова 1981 йилгача мақом ансамблида муваффақиятли ва самарали фаолият олиб борди. Шу йилдан бошлаб опанинг устозлик фаолияти бошланди. Яъни Коммуна Исмоилова М.Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтида анъанавий қўшиқчиликдан ёш талабаларга сабоқ бера бошлади. Ушбу билим маскани, санъат даргоҳида 2004 йилгача ўқитувчилик қилди. Ўтган давр давомида ўнлаб шогирдларни тарбиялади. Уларнинг орасида бир қатор хонандалар элнинг назарига тушиб, олқиш ва давлат унвонларига сазовор бўлдилар. Жумладан, Озода Назарова, Дилором Қаюмова, Меҳри Бекжонова, Зулайҳо Бойхонова, Тожибар Азизова, Мавлуда Асалхўжаева, Шарофат Тожибоева, Карима Исмоилова, Муножот Тешабоева, Нилуфар Саидова, Холида Каримова, Нодира Раҳимова ва бошқалар.

Коммуна Исмоилова устоз-мураббийлик фаолиятини 1993 йилдан Тошкент Маданият коллежида давом эттириб келмоқда. Анъанавий қўшиқчилик сирларини коллеж ўқувчилари, яъни янги авлодга ўргатиш билан бирга, Коммуна Исмоилова уларни анъанани қадрлаш, Ватанга садоқат, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби инсонийлик туйғуларини қалбларига сингдиришда ўз меҳнатларини аямай келмоқдалар. Ҳозирги даврда муайян мавқега эришган, мумтоз мусиқа ижрочилигидаги ўзбек санъаткор қиз ва аёллари опани бирдек устоз деб биладилар. Чунки Коммуна Исмоилова ижросидаги 470 дан ортиқ қўшиқ ва ашулалар Ўзбекистон Радиосининг олтин фондига ёзиб олинган. Шулардан 170 та асар ўзбек халқ чолғу оркестри жўрлигида ёзиб олинган.

Мана, 60 йилдан кўпроқ давр мобайнида халқимиз Коммуна Исмоилованинг жозибали овозидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Унинг гўзал хонишлари дилларга ором, мухлисларига яхши кайфият ҳамда руҳий мадад бериб келади. Коммуна Исмоилова қайси услубда қўшиқ куйламасин, қайси халқ қўшиғи бўлмасин, ўзининг бетакрор овози билан, «Коммунача» талқини билан ажралиб туради. Бу эса Коммуна Исмоилованинг ўзбек халқи қалбидан аллақачон чуқур жой олгани ва умумбашарият иқболини куйловчи санъатимиз онахонига айланганлигидан далолатдир. Зеро, айни пайтда ўтмиш санъатимиз дарғалари Коммунахоним Исмоилова сиймосида, ижросида ўз аксини топган, десак ҳам адашмаган бўламиз. Бу албатта санъат йўлидаги унинг 65 йиллик машаққатли меҳнатида мужассамланган.

Қолаверса, 1943 йилдан бошлаб устозлик ва раҳнамолик қилиб келган Фахриддин Содиқов, Гавҳар Раҳимова ва Бобораҳим Мирзаевлар, 1946 йилдан маслакдош устози бўлган Комилжон Отаниёзов ва халқимизнинг ўзбек рақс санъати маликаси Мукаррамахоним Турғунбоева, камтарин ва олийҳиммат устози Ҳалимахоним Носирова ва Дони Зокиров, 1959 йилдан бошлаб

мақом ижроси бўйича устози Юнус Ражабийларнинг сабоғини олиб, эл назарига тушган. Шу боис доимо эл ардоғида бўлиб келган. Ҳар бир устоз билан ўтган дамлар, ижодий ҳамкорликлар, ижрочиликдаги чиқишларнинг ўз тарихи борлиги ҳақида опа жўшиб эслайди. Уларнинг ҳар бири устозгина эмас, балки санъатда ота ўрнини босганлигини чин дилдан айтади. Уларнинг оталарча муносабати, оналарча меҳри Коммуна Исмоилова бўлиб танилишида жуда аҳамиятли. Айниқса, Ҳалимахоним Носированинг меҳрибонлиги, оналарча куйиниши, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши Коммуна Исмоилованинг қалби тўрида туради.

Ижодий ҳамкорликнинг самараси эса ижро репертуаридан 450 дан ортиқ асарлар ўрин олганлигидан ҳам кўриниб турибди. Онахон санъаткор ҳанузгача композитор ва бастакорлар, созанда ва хонандалар билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб ижод қилиб келмоқда. Жуда кўп ижодкорлар Коммуна Исмоилованинг ижродаги қиёфасига, услубига ва руҳиятига мослаб асарлар яратиб берганлар. Шу боис, турли муаллифларнинг асарлари бир услубга хос талқинини топган. Коммуна Исмоиловага қўшиқ ёзган ва ҳамкор бўлган бастакорларнинг саноғи йўқ. Ф.Содиқов, Ф.Назаров, К.Отаниёзов, Ҳ.Раҳимов, Н.Ҳасанов, Д.Зокиров, С.Жалил, С.Ҳайитбоев, С.Калонов, К.Жабборов, Ғ.Тошматов, М.Насимов, М.Мамадалиев, Ғ.Қодиров, С.Сафоев, Б.Умиджонов, О.Қосимов, М.Юсупов, О.Ҳотамов, С.Тўхтасинов, М.Муртазоев, Ф.Олимов, З.Миролимова, Т.Жўраев, А.Исмоилов кабилар шулар жумласидандир.

Ҳар бир ижодкорнинг ҳамкорлиги Коммуна Исмоилова ижро репертуарини ўзига хос янги асар бойитиш билан бирга, мусиқа санъати ривожига ҳам улуш қўшиб келган. Халқимизга доимо янги асарлар тақдим этгани ҳам Коммуна Исмоилованинг жуда катта хизмат ва ютуқларидан эди. Халқимиз бетакрор овоз соҳибасини ардоқлаш, тинглаш билан бирга, қалб туйғуларини сатрларда ифода этгани ҳам бунга ёрқин мисолдир.

1987 йили Комммуна Исмоилова таваллудининг 60 йиллиги нишонланди. Мухлисларнинг беҳисоб дил изҳорлари ифода этилди. Шулардан Болтабой Байроннинг самимий сўзларда битилган халқона шеъри ҳам Коммуна Исмоилованинг халқ қалбига қанчалар чуқур кириб борганини намоён этади:

## ЎЗБЕКИСТОН БУЛБУЛИ

Гавҳархоним Хивамизга келдилар,
Гуллар ичра бир ғунчани кўрдилар,
Шу ғунчани бирга олиб кетдилар,
Тарбиялаб они гулзор этдилар.
Коммунахон Хивамизнинг бир гули,
Уни деймиз Ўзбекистон булбули.

Қутлуғ бўлсин сизнинг 60 ёшингиз,
Офтоб каби кўкка етди бошингиз,
Кўксингизда доимо бўлсин баҳор,
Қанча таъриф қилсам сизга шунча оз,
Коммунахон Хивамизнинг бир гули,
Уни деймиз Ўзбекистон булбули.

Хоразмдир санъаткорлар макони,
Бизда бордир олти ярим мақоми,
Хоразмнинг довруғини ёйдингиз,
Минг-минглаган қўшиқ ижод қилдингиз.
Коммунахон Хивамизнинг бир гули,
Уни деймиз Ўзбекистон булбули.

Сизга соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз,
Қўшиқ айтиб, доим ўйнаб-кул, деймиз,
Ер юзида бўлсин тинчлик омонлик,
Умрингиз кўрмасин ҳеч бир ёмонлик,
Уни деймиз Ўзбекистон булбули.

Шеърни ёзди Болтабой Байрон ўғли,
Ўйнаб-кулинг дилда қолмасин армон.

Мусиқа санъати, одатда, халқнинг мулкидир. Халқ истаган санъаткорини, унинг қалбига ёққан хонанда ёки созандасини ардоқлайди. Лекин санъаткорда ҳам халққа инъом этадиган маънавий олам бўлиши даркор. Мана 65 йилдирки, Комммуна Исмоилова элимизнинг кўз ўнгида, турли-туман саҳналарда халқимизга маънавият улашиб келмоқдалар.

Коммуна Исмоилованинг бетакрор овози ва жозибали ижроси ўзбек мусиқа ижрочилик амалиётида алоҳида саҳифадир. Халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий «Эл эъзозидаги санъаткор» мақоласида шундай ёзади: «Халқимиз бундай овоз соҳибларига: «Худонинг ўзи юқтирган» деб баҳо беради. Дарҳақиқат, Коммуна Исмоилова бахмалдай майин, нафис, дилларни аллаловчи, жон бахш этувчи, кишини сеҳрлаб қўювчи ўзгача бир овоз соҳибасидир. Ҳақиқий хонанданинг, ҳофизнинг овози ана шу алоҳидалиги, «Худо берган»лиги, кишини ўзига мафтун, маҳлиё этадиган бетакрор бир мусиқий жозиба кучи билан ажралиб туради»[7].

2007 йилда Коммуна Исмоилова таваллудининг 80 йиллиги, ижодий фаолиятининг 65 йиллиги кенг нишонланди. Бу ажойиб тадбир арафасида мухлисларнинг доимо радио тўлқинлари, телевидение ва оммавий ахборот воситалари орқали ўз дил изҳорларини билдириб туришлари Онахон санъаткорнинг ҳақиқий эл фарзанди эканлигидан далолатдир. Шулардан бир мисол Матёқуб Мавлон ўғлининг мухлислар номидан ёзган шеъридир:

Саксон йиллик умр сизга муборак,
Худо назар солганликдан бу дарак,
Халқи севган, Халқни севган Коммуна,
Аллоҳ берган қайнар меҳр ва юрак.

Лойга ботиб, чанглар ютиб меҳнатда,
Устунлигин исботлади санъатда,
Кўп элларда ном қозонди Коммуна,
Ўзбек қизи жасоратдан намуна.

Саксон йиллик узоқ умр муборак,
Юз йилдан кўп умр кўринг, чин тилак,
Аллоҳ сизга омад берган, дов юрак,
Ана шундай мардлигингиз муборак.

Оғир уруш йиллар жангда қатнашган,
Ўқ остида ажал билан тўқнашган.
Ватан учун борлиғини йўқлашган,
Эндиликда ғалабалар муборак.

Миллий кийим кийиб, доим ёқлаган,
Одоб-икром, ориятин сақлаган,
Меҳнат ила юрт санъатин бойитган,
Халқ ишончи, Она сутин оқлаган.

Булбулдай хуш овозлари ёқади,
Юзидан нур булоқ бўлиб оқади,
Кўрган инсон севиб, узоқ боқади,
Фариштадай ҳусни жамол муборак.

Ўз даврида «дарға» бўлган санъатда,
Тиним билмай кўп тер тўккан меҳнатда,
Эндиликда доим бўлинг роҳатда,
Сиз эришган шону-шуҳрат муборак.

Улуғ «Ҳаж»га умид билан борибсиз,
Парвардигор нигоҳида бўлибсиз,
Иймон ичра тоза нурга тўлибсиз,
Муқаддас у зиёрат муборак.

Олийжаноб қалб эгаси ўзингиз,
Дилга ором берар ҳар бир сўзингиз,
Гўзалликдан жавлон урар кўзингиз,
Худо берган гўзалликлар муборак.

Табарруксиз ўзингиз ҳам сўзингиз,
Фариштадай нур сочувчи юзингиз,
Орттирдингиз издошларни жуда кўп,
Сиздан сўнг ҳам асло ўчмас изингиз.

Тавоф айлай босиб ўтган изингиз,
Иймон бўлсин элга берган тузингиз,
Мавлон ўғли Матёқубнинг тилаги,
Тугамасин ҳақдан рисқу рўзингиз.

*(Тошкент шаҳри, 2007 йил, 26 август)*

## РАДИОНИНГ ОЛТИН ФОНДИГА ЁЗИБ ОЛИНГАН АСАРЛАР РЎЙХАТИ

| Йиллар | Асарлар номи | Куй муаллифи | Сўз муаллифи | Аудио ёзув рақами (хранометраж) |
|---|---|---|---|---|
| 1953 | «Қизгина» | Хоразм халқ куйи | Халқ | 1849; ≈ 1,35$^{1}$ |
| 1955 | «Саратовский частушки» | Свинков қайта ишлаган | Халқ | 2211; ≈ 2.25$^{1}$ |
| | «Кольхозная полька» | Новиков қайта ишлаган | Халқ | 2213; ≈ 2.10$^{1}$ |
| | «Пойду выду» | Рус халқ куйи | Халқ | 2212; ≈ 3,25$^{1}$ |
| 1956 | «Ҳайрон айлади» *А.Мирзаева билан бирга (дуэт)* | «Гўрўғли» достонидан | Халқ | 4477; ≈ 2.30$^{1}$ |
| 1959 | «Ишчи қизлар вальси» | Ф.Назаров | Ё.Мирзо | 526; ≈ 3.20$^{1}$ |
| | «Ёшлик чоғимда» | С.Жалил | Ҳ.Олимжон | 6980; ≈ 2.55$^{1}$ |
| | «Ўйланма» | К.Отаниёзов | А.Бобожонов | 149; ≈ 5.10$^{1}$ |
| | «Гулнора» | К.Отаниёзов | А.Бобожонов | 1016; ≈ 2.55$^{1}$ |
| | «Хаёлим сенда» | Ҳ.Раҳимов | Т.Тўла | 833; ≈ 3.05$^{1}$ |
| | «Оқ олтин карвон-карвон» | Ф.Содиқов | З.Обидов | 1006; ≈ 3.35$^{1}$ |
| | «Теримчи қиз» | Т.Жалилов | Ҳабибий | 1115; ≈ 2.17$^{1}$ |
| | «Ишқ куйи» | Ф.Содиқов | М.Қориев | 541; ≈ 3.55$^{1}$ |
| | «Табриклайман» | Н.Ҳасанов, Б.Гиенко | Р.Қосимхўжаева | 531; ≈ 4.50$^{1}$ |
| | «Водийларингдан» | Ғ.Тошматов | А.Пўлат | 155; ≈ 353$^{1}$ |
| | «Гулнора» | К.Отаниёзов В.Зудов қайта ишлаган. | А.Бобожонов | 1016; ≈ 255$^{1}$ |
| | «Мепарварам» | Х.Изомов | Солиев, | 1017; ≈ 256$^{1}$ |
| 1960 | «Ойшахон» | Д.Зокиров | А.Пўлат | 4871; ≈ 3.30$^{1}$ |
| | «Кўл бўйида» | Қирғиз халқ куйи | Қирғиз халқ сўзи | 4458; ≈ 3.00$^{1}$ |
| | «Жоним айтаман» | С.Ҳайитбоев қайта ишлаган | Халқ | 4483; ≈ 2.50$^{1}$ |
| | «Салом» | Э.Раҳимов | Халқ | 4478; ≈ 2.30$^{1}$ |
| | «Эй чеҳраси тобоним» | Ф.Содиқов | Муқимий | 4311; ≈ 4.25$^{1}$ |
| 1961 | «Зебихон» | Ф.Содиқов | Бобораҳим Мирзаев | 11564; ≈ 3.30$^{1}$ |
| | «Хуморингиз бўлайму» | Н.Ҳасанов | А.Исроилов | РДКС- 20195; ≈ 2.25$^{1}$ |
| | «Бир гўзал» | Ф.Содиқов | Миртемир | 6090; ≈ 6.28$^{1}$ |
| | «Песня девушек» | Рус халқ куйи | Халқ | 5953; ≈ 4.45$^{1}$ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | «Савти Наво» *Б.Давидова билан (дуэт)* | Наво мақомидан | Нодира | 8268; ≈ 7.00[1] |
| 1962 | «Дўппи тикдим» | С.Калонов | Т.Тўла | 9189; ≈ 3.40[1] |
| | «Уфори Муғулчаи Наво» | Наво мақомидан | Мунис | 8774; ≈ 3.20[1] |
| 1963 | «Ёр-ёр» | Ғанижон Тошматов | Г.Жўраева | 9640; ≈ 3.55[1] |
| | «Шифокорлар» | К.Жабборов | П.Мўмин | 9639; ≈ 2.20[1] |
| | «Ушшоқ Қашқарчаси» | Рост мақомидан | Нозима | 9600; ≈ 5.40[1] |
| | «Қайси бири» *М.Кенжаев билан (дуэт)* | М.Насимов | П.Мўмин | 9431; ≈ 3.35[1] |
| 1964 | «Сўлим баҳор» | Ф.Содиқов | А. Исроилов | 11112; ≈ 5.10[1] |
| 1965 | «Алла» | Н.Хасанов | Н.Холхўжаева | 11836; ≈ 6.45[1] |
| | «Гул» | М.Мамадалиев | С.Абдулла | 11480; ≈ 2.55[1] |
| | «Зебо ўлкам» | С.Калонов | А.Исроилов | 11090; ≈ 3.05[1] |
| 1966 | «Мирзачўлнинг қизлари» | Д.Зокиров | А.Пўлат | РД-17639; ≈ 3.00[1] |
| 1967 | «Ўзбекистон» | Ғ. Қодиров | Ж.Жабборов | 11169; ≈ 3.10[1] |
| | «Меҳнат нашидаси» | Ф.Назаров | Я.Қурбон | 11122; ≈ 3.05[1] |
| 1969 | «Ёр мактуби» | С. Сафоев | Т.Тўла | РД-15035; ≈ 3.25[1] |
| 1970 | «Қўшиғим бор» | С.Сафоев | Ў. Рашид | РД-16344; ≈ 2.20[1] |
| | «Йигитлар нори» | Н.Ҳасанов, Б. Бровцин | Э.Раҳимов | РД-16271; ≈ 2.45[1] |
| | «Билганмисиз» | Б.Умиджонов | Ў.Рашид | РДКС-16496; ≈ 4.38[1] |
| | «Ошиқман» | С.Ҳайитбоев | М. Қориев | РД-16282; ≈ 2.10[1] |
| | «Ҳаё» | Ҳ.Раҳимов | М.Қориев | РД-16492; ≈ 4.10[1] |
| 1971 | «Олма» | Д.Зокиров | Аҳмад Бобожон | 400; ≈ 3.45[1] |
| | «Ҳижрон туни» | С.Ҳайитбоев | Ҳ.Яхёев | РДКС-24249; ≈ 4.15[1] |
| | «Санъат саодатимдир» | Д.Зокиров | П.Мўмин | РД-17934; ≈ 4.25[1] |
| 1972 | «Дуторим менинг» | Х.Турдиқулов | Х. Ниёз | РДКС-19126; ≈ 2.15[1] |
| | «Дурдона гул» | О. Қосимов | Тўлқин | РДКС-19188; ≈ 3.20[1] |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | «Ҳажринг тунида» | К.Отаниёзов | Хоразм халқ сўзи | РДКС-18647; ≈ 2.10[1] |
| 1973 | «Талпинур дил» | С.Ҳайитбоев | З.Обидов | РДКС-19642; ≈ 3.35[1] |
| | «Ўз-ўзимга айтингиз» | М.Юсупов | П.Мўмин | РДКС-19950; ≈ 3.30[1] |
| | «Келади» | Ф.Назаров | Э.Раҳим | РДКС-20029; ≈ 3.30[1] |
| | «Талқинчаи Савти Чоргоҳ» | Дугоҳ мақомидан | Завқий | РД-19660; ≈ 5.20[1] |
| | «Билмадинг» | Б.Умиджонов | Э.Самандаров | РДКС-19946; ≈ 3.55[1] |
| | «Қиз кўнгли» | О.Ҳотамов | Ҳ.Яҳёев | РДКС-2011; ≈ 4.20[1] |
| | «Қашқарчаи Муғулчаи Дугоҳ» | Дугоҳ мақомидан | Фузулий | РД-19661; ≈ 3.25[1] |
| 1974 | «Гулми ё кўнгил» | Ф.Алимов | Ш.Умархўжаева | РДКС-22096; ≈ 3.35[1] |
| | «Сен ёр учун» | Т.Жалилов | Манзурабону | РДКС-21361; ≈ 3.50[1] |
| 1975 | «Қўшиқ мафтуни» | Т.Азимов | М.Қориев | РДКС-22384; ≈ 3.48[1] |
| | «Хаёлимизда сизлар» | Б.Умиджонов | Ё.Мирзо | РДКС-22481; ≈ 7.00[1] |
| | «Ошно демасмиз» *Нурхон Эрматова билан (дуэт)* | Ф.Содиқов | С.Абдулла | РДКС-22383; ≈ 3.15[1] |
| 1977 | «Эй соҳиби дил» | С.Ҳайитбоев | Т.Тўла | РДКС-23837; ≈ 5.20[1] |
| | «Талқинчаи Савти Сарвиноз» *Т.Тўраев, Ш.Алимқулов, Ҳ.Юсуповалар билан* | Бузрук мақомидан | Огаҳий | РДКС-23658; ≈ 5.30[1] |
| | «Соқийномаи Мўғулчаи Бузрук» | Бузрук мақомидан | Нодира | РДКС-23657; ≈ 4.25[1] |
| 1978 | «Ишқ хотираси» | З.Миролимова | М.Раҳмон | РДКС-25466; ≈ 4.42[1] |
| | «Нетай» | С.Жалил | Огаҳий | РДКС-24817; ≈ 3.20[1] |
| | «Бир ишва билан» | М.Муртазоев | Ҳамза | РДКС-24926; ≈ 5.42[1] |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | «Қашқарчаи Мўғулчаи Бузрук» *М.Дадабоева, Р.Йўлдошевалар билан бирга* | Бузрук макомидан | Атоий | РДКС-23492; ≈ 5.50[1] |
| 1979 | «Жон висоли кошки» *Ҳ.Юсупова билан бирга (дуэт)* | Ф.Содиқов | Фурқат | РДКС-24470; ≈ 5.48[1] |
| 1980 | «Кўрдим юзингни» | Н.Ҳасанов | Машраб | РДКС-27006; ≈ 3.17[1] |
| | «Изҳор этмадим» *Ҳ.Юсупова билан бирга (дуэт)* | Ф.Содиқов | Бобур | РДКС-26545; ≈ 4.05[1] |
| | «Лоақал» | Ф.Содиқов | Т.Тўла | РДКС-26546; ≈ 5.55[1] |
| | «Уральско-узбекская рябинушка» *А.Файнберг ва В.Печерина билан бирга (трио)* | Радигин | Халқ | РДОК-35586 |
| 1981 | «Қалбимда ўзинг борсан» | Р.Турсунов | Н.Нарзуллаев | РДКС-20657; ≈ 4.00[1] |
| 1982 | «Қурт» | Халқ | Мукимий | РДКС-27738; ≈ 5.12[1] |
| | «Эй мунис онам» | С.Тўхтасинов | Я.Қурбон | РДКС-27719; ≈ 3.50[1] |
| | «Турсуной марсияси» | Ф.Содиқов | Ҳамза | РД-17691; ≈ 3.05[1] |
| | «Кечирмас» | Т.Жўраев | Ҳ.Яхёев | РДКС-27782; ≈ 3.45[1] |
| 1983 | «Токай» | К.Жабборов | Увайсий | РДКС-28312; ≈ 4.10[1] |
| | «Майдонда ҳам ёринг бўлай» | Т.Жалил | С.Абдулла | РДКС-28410; ≈ 3.30[1] |
| | «Қошинг қароси бало» | Ғ.Тошматов | Халқ | РДКС-28498; ≈ 3.50[1] |
| 1984 | «Гул ўғлон» | Ожиза | Ожиза сўзи | РДКС-29044; ≈ 3.52[1] |
| 1986 | «Салом онажон» *Ў.Машарипова, Э.Мирзаева лар билан бирга* | М.Ниёзов | Камтар | РДКС-30947; ≈ 2.47[1] |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1987 | «Дугонажон» | С.Калонов | Ҳ.Муҳаммад | 12399; ≈ 2.20[1] |
| 1988 | «Фидоий жангчилар» | А.Исмоилов | Ҳ.Муҳаммад | РДКС-33311; ≈ 5.00[1] |
| 1990 | «Ўргилай» | Ф.Содиқов | Б.Мирзаев | РДКС-35591; ≈ 5.00[1] |
| | «Ёринг бўлай» | Т.Жалилов | С.Абдулла | РДКС-35590; ≈ 4.00[1] |
| | «Фронтдан хат» | М.Ниёзов | Камтар | РДКС-35592; ≈ 3.58[1] |
| | «Котелла» *А.Аҳмедов, Р.Қурбонова билан бирга* | С.Муғанний | Қурбон ота | РДКС-35579; ≈ 2.03[1] |



Коммуна Исмоилова ва синглиси Лина (1935 й.).



Ҳакимжон Файзиев ва Коммуна Исмоилова (1948 й.).



Коммуна Исмоилова оиласи даврасида: Алишер, Гулсара, Гулхумор, Шуҳрат, Башоратхон, Гулноз (1992 й.).



Фахриддин Содиқов, Коммуна Исмоилова,
Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним (1959 й.).



Пастки қатор чапдан: К.Исмоилова, Тожихон ая, С.Раҳимова;
юқориги қатор: Мирзажон, Толибжон, Неъматжон Қулабдуллаевлар (1959 й.).



Коммуна Исмоилова устоз санъаткорлар билан.
Ҳ.Носирова, Тамарахоним (1951 й.).



Коммуна Исмоилова устоз созандалар Ф.Харратов (чангда) ва Ғ.Иноғомовлар билан (1951 й.).



Коммуна Исмоилова ва Ҳадия Юсупова.



Берта Давидова, Малоҳат Дадабоева, Коммуна Исмоилова ва Клара Жалилова.




Коммуна Исмоилова саҳнада Эргаш Йўлдошев билан (1987 й.).



Коммуна Исмоилова, Фотима Носирова ва Қундуз Миркаримовалар билан (1967 й.).



Увайсий лирикаси. (телепостановка, 1982 й.). Чапдан: М.Асалхўжаева, Ш.Тожибоева, М.Турдиева, Р.Ҳимматова, К.Исмоилова, Т.Азизова.



Этнографик ансамбли. Раҳбар – Ориф Алимаҳсумов (1980 й.)



Коммуна Исмоилова
Берта Давидова билан.



Коммуна Исмоилова
шогирдлари Озода Назарова
ва Дилором Қаюмовалар
билан.



Коммуна Исмоилова шогирдлари Гулжаҳон ва Барчинойлар билан.



Коммуна Исмоилова ва қизи Гулхумор (1998 й.).




Машҳур Хоразмлик санъаткорлар Ҳожихон Болтаевнинг хотира кечасида (2005 й.).



Коммуна Исмоилова уруш қатнашчилари билан бирга
(«Хотира ва қадрлаш куни» – 9 май).



Коммуна Исмоилованинг қизи
Гулхумор Исмоилова,
куёви Саидакмал ва набираси
Бекажон билан.



И.Деҳқонов (Маданият коллежи раҳбари), Коммуна Исмоилова ва А.Жалилов.



Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон Тошматовнинг хотира кечасида К.Исмоилова шогирдлари билан.



Илҳом Деҳқонов, Коммуна Исмоилова, Абдулла Орипов,
Анвар Ёқубхўжаев, Абдуҳошим Юнусов.



Р.Самадов, Ғ.Ваҳобов, Коммуна Исмоилова,
З.Худоёрова, Т.Ҳакимов, Т.Икромов, А.Жалилов.



Коммуна Исмоилова
кенжа шогирдлари билан.



Ўзбекистон Телерадиоси қошида тузилган этнографик ансамбли (1980 й.).



Р.Шамшиева, А.Ахмедов, М.Дадабоева,
Коммуна Исмоилова, Т.Жўраев, Х.Қодирова (1977 й.).



О.Алимахсумов, К.Исмоилова, Б.Давидова;
иккинчи қатор: Ю.Ражабий, С.Содиқова, Ш.Эргашев (1964 й.).



Коммуна Исмоилова
мақомчилар ансамбли билан.

Коммуна Исмоилова шогирдлар даврасида.







# САОДАТ

*А.Исроил* сўзи

*Ғ.Тошматов* мусиқаси






Эл фахрисан, эй чевар Саодат,
Қутлар сени юрт севар Саодат,
Ҳар тонгда қуёш жамолин очгач,
Аввал сенга дуч келар, Саодат.

Жўшқин пўлат отинг садоси,
Кенг водийни янгратар Саодат.
Ғўзалар очилиб, чаман чаноғида,
Ҳар лаҳзаси кутар Саодат.

Оқ муққа, момиқ лўппи куз ила
Ол деб сенга юз тутар Саодат,
Қорли тоғ демагин уфққа кўтаргин,
Жонима хирмон узра зар тўкар Саодат.

Меҳнат самарин машъали зардир,
Бир ўзга чакки қилур Саодат,
Ваъдага вафо инсон учун хос,
Босган қадаминг зафар Саодат.

## ТОНГ ЕЛЛАРИ

*А.Исроил* сўзи — *Н.Ҳасанов* мусиқаси






О Дилором, тонг еллари, тонг еллари,
Мунча ўпиб тортқилайсиз кокилларим,
Турфа гуллар атридан сиз олиб шароб,
Осмон бўйи ўстиргайсиз кўнгилларим.

Ой ипакдек тонг еллари тортқулари,
Сиз эсган чоғ қочар кўздан уйқуларим.
Сиз эсганда сузиб илҳом дарёсида,
Жисмим аро туғён этар туйғуларим.

# ҚИЗ УЗАТДИК

*Г.Жўраева* сўзи

*F.Тошматов* мусиқаси






Бахтли замон келганда, даврон сурай,
Қизлар шошманг, қайдан келар наво, сурнай.

Тезроқ юринг, дугонажон, тўй базмига,
Келин пошша даврасида, бир айланай,

Гулзорму бу ял-ял ёнар, гулкосалар,
Нурзорму бу ойдай сузар раққосалар.

Кўзим олган хон атласму ё камалак,
Ҳайрон бўлманг гар йигитлар лол қолсалар.

Келинойнинг ҳарир экан, оқ рўмоли,
Ҳилол бўлиб жилваланар гул жамоли.

Ҳазиллашиб рўмолини асло тортманг,
Келин бўлган билар келин аҳволини.

Куёв келди, куёв келди, куёв келди,
Куёв деманг қиз олгани биров келди.

Йиллар кутиб, гуллар тутиб, дилдорининг,
Дийдорига етишмоққа шунқор келди.

Севгисини сеп қилиб, қиз узаттик,
Ёр қалбини зеб қилиб уй тузатдик.

## БАРНО ЙИГИТ

*Саида Зуннунова* сўзи

*Ф.Содиқов* мусиқаси






Ширин сўз, барно йигит,
Тилингда болинг борму?
Шайдоларинг бунча кўп,
Ёки иқболинг борму?

Қалдирғоч қанотимас,
Пайваста қошларингдур.
Боқсам барча яхшилар
Ёру йўлдошларингдур.

Кўнглумни асир этган
Чиройли бўйларингму?
Нурдек поклигингми ё
Меҳнатинг, ўйларингму?

Мен ҳам ёр бўлсам, дейман,
Вафодор бўлсам, дейман.
Атрофингда бир умр,
Ўзим ўргилсам, дейман.

## СЎЛИМ БАҲОР

*А.Исроилов* сўзи — *Ф.Содиқов* мусиқаси






Сўлим баҳор, сўлим баҳор,
Нурга тўлган йўлим баҳор.
Шул баҳорга, гул баҳорга
Ярашиғлик диёрим бор.

Ел парвона гул қошида,
Ел куйида шўх нашида.
Гўзаллик бор, нафислик бор,
Гулларнинг ол қарашида.

Сўлим баҳор, сўлим баҳор,
Нурга тўлган йўлим баҳор.

Гул боғларда ёр висоли,
Ёр висоли – гул мисоли.
Чаманларда кўрк ошади,
Боғларга ёр ярашади.

Сўлим баҳор, сўлим баҳор,
Нурга тўлган йўлим баҳор.

## ГУЛ

*С.Абдулла* сўзи

*М.Мадалиев* мусиқаси

**М.М.♩=88**






Бахт гулзорига экдим,
Ҳамма гулдан сози гул,
Қайрилиб ойинасига,
Бахти серпардози гул.

Қанча пардоз берса меҳнат,
Қилса хуш кулгай амал,
Шунча яшнар, шунча яйрар,
Очилиб қий ғози гул.

Ҳар фасл ҳар рангли бўлсин,
Худди гулшандур менга,
Очилур йўлим ҳамиша,
Бошқадур ҳар ёз гул.

Тушмасин гул юзига дўстлар,
Юз хижинлик нақшидир,
Ҳосили меҳнатга боғлиқ,
Ишласанг оз-оз гул.

# ЎЙЛАНМА

*А.Бобожон* сўзи — *К.Отаниёзов* мусиқаси






Севдим сени қаро кўзим, кел ёр ўйланма, ўйланма,
Сўзи ширин қамар юзим, дилдор ўйланма, ўйланма.
Кел ёр, ўйланма, ўйланма, дилдор ўйланма, ўйланма.

Бахтим борки, сени топдим, ой юзингга тўйиб боқдим,
Бир умрлик ёринг бўлсам, ўзингдурсан менинг бахтим.
Кел ёр, ўйланма, ўйланма, дилдор ўйланма, ўйланма.

Ҳамма сенга қарошади, бу гул ким, деб сўрошади,
Ўзгаларга парво қилмай, ёрим бўлсанг, ярошади.
Кел ёр, ўйланма, ўйланма, дилдор ўйланма, ўйланма.

## САЙЁРА

*Фурқат* сўзи

*Ҳ.Ҳ.Ниёзий* мусиқаси






Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдин овора экан мендек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Бечорани зулм айлаб, қўл бўйнини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб судраб, ўлдургани чоғлабсан,
Кўксини жафо бирла, лола каби доғлабсан,
Сот менга агар, қасдинг олғувчи сўроқлабсан.
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

# ЭЙ, МУНИС ОНА

*Я.Қурбон* сўзи — *С.Тўхтасинов* мусиқаси






Сиз эмасму дилгинамга илҳом берган,
Сиз эмасму наволарга улаб мутола.
Қўшиқ бўлиб туғулади қалбимдаги ўй,
Кўнгил мулки гултожисиз, эй мунис она.

Тилгинамдан асал томар сизни сўйласам,
Сизни куйлаб, меҳрингизга айлай мен таъзим.
Баҳор бўлиб, гул очилиб, сизни куйласам,
Мени юрак қароларим тингланг сиз бир зум.

Сиз бор экан, ҳис этамиз кўклам ҳавоси,
Она, сиздан дилдорликни олган қизингиз.
Сиз турганда янграб кетар кўнгил навоси,
Бахтимиздай порлаб турар сизу менингдек.

## ЭЙ, ЧЕҲРАСИ ТОБОНИМ

*Муқимий* сўзи

*Ф.Содиқов* мусиқаси






Эй, чеҳраси тобоним,
Ошиқлари ҳайроним,
Йўқ тоқати ҳижроним,
Васл ила даво айланг.

Эй, зулфи паришоним,
Аҳди ҳама ёлғоним,
Синди, қону паймоним,
Бир меҳру вафо айланг.

Эй, булбули шўрида,
Токай дили афсурида,
Билмай даме осуда,
Гул вақти наво айланг.

Деди мени бечора,
Қил марҳами наззора,
Ким айтдики хуштора,
Юз жавру жафо айланг.

Гар қилса Муқимий хун,
Рухсорлари гулгун,
Инсофга келур бир кун,
Ҳаққига дуо айланг.

## МАРДГА КЎНГИЛ БОҒЛА

*Ямин Қурбон* сўзи — *Н.Ҳасанов* мусиқаси



Шошилиб сув ичганлар қалқар, дўстлар,
Ўринсиз сўз кўнгилга наштар дўстлар.
Вафоси йўқ ёрни ёр этган киши,
Тил тишлаган боладай қақшар, дўстлари,

*Нақорат:*
Мардга кўнгил боғласанг, ярошади,
Номардга сал ёндашган, адошади.

Совуқ турса ёмғир кетиб қор бўлғай,
Хўрлик ўтса, кўзга дунё тор бўлғай.
Сўри устида султон бўлиб турган қиз,
Номард эрнинг чангалида хор бўлғай.

*Нақорат:*
Мардга кўнгил боғласанг, ярошади,
Номардга сал ёндашган, адошади.

Умринг ўтса хуш ўтсин чин ёр билан,
Киши қадрин билгувчи ҳушёр билан.
Эгов этма ношутни ҳаётингга,
Ўйна-ю кул167 васлингга хумор билан.

*Нақорат:*
Мардга кўнгил боғласанг, ярошади,
Номардга сал ёндашган, адашади.

## ЎҒЛИМА ЎХШАЙДИ ОВОЗИНГ САНИ

*«Ошиқ Ғариб»* достонидан

*К.Отаниёзов* мусиқаси






Ҳақ ўзи етирган азиз меҳмоним,
Ўғлима ўхшайди овозинг сани.
Тез хаварин бергин чиқмасдан жоним,
Болама ўхшайди нолишинг сани.

Ўғлим кетиб султон бошим хор бўлди,
Ўғлимни кўрмакка кўнглим зор ўлди.
Йиғламоқдин икки кўзим кўр бўлди,
Ғариба мангзийди овозинг сани.

Аввал бошдан мани ёзим кетибди,
Қўлимдан ўрдагим, ғозим кетибди.
Қўйнимдан айрилиб, қўзим кетибди,
Қўзима ўхшайди овозинг сани.

Ўғлим борган жойга сен ҳам борибсан,
Ўғлим билан созу суҳбат қурибсан.
Ё ўғлимсан, ё ўғлимни кўрибсан,
Ўғлима ўхшайди овозинг сани.

Ғариба мангзийди нолишинг сани,
Ўғлима ўхшайди овозинг сани.

## БИР ГЎЗАЛ БОРДУР

*Миртемир* сўзи | *Ф.Содиқов* мусиқаси

**М.М. ♩=68-74**






Дейдиларким, шаҳримда бир гўзал бормиш,
Ҳар оқшом боққа кириб, мени сўрармиш.
Изларимни тополмай, оҳлар урармиш.
Гир-гир юрармиш,
Ҳайрон бўлармиш,
Ўлтуруб япроқлар-ла, суҳбат қурармиш...

Ишқ учун осмас кимса, мени деб, дорга –
Баъзан қўлин чўзармиш мунгли дуторга,
Соғлиқлар тилармиш, олисда ёрга.
Асл хушторга,
Ҳажрида зорга...
Саломлар йўллармиш мен интизорга...

## НОЗ ЭТМА

*Чустий* шеъри

*С.Жалил* мусиқаси






«Дил боғидан бир гул уздим,
Ол ёр, ноз этма, ноз этма,
Оласан деб мен кўз тутдим,
Дилдор, ноз этма, ноз этма.»

Юлдузмисан осмонимда,
Сўнмас гулсан бўстонимда,
Сенинг номинг дебочадир,
Юракдаги достонимда.

Ол ёр, ноз этма, ноз этма,
Дилдор, ноз этма, ноз этма.

Мен сен билан сурсам даврон,
Юрагимда қолмас армон,
Бевафолик қилма ёрим,
Қатъий бўлсин аҳду паймон.

Ол ёр, ноз этма, ноз этма,
Дилдор, ноз этма, ноз этма.

Кўнглим боғин гуландоми,
Тонгимизнинг йўқдур шоми,
Тошга ёзган хат ҳам ўчар,
Вафолигим ўчмас номи.

Ол ёр, ноз этма, ноз этма,
Дилдор, ноз этма, ноз этма.

## ЁШЛИК ЧОҒИМДА

*Ҳ.Олимжон* сўзи — *Сайфи Жалил* мусиқаси




Шун-да кўр-ди кў-зим ба- ҳор - ни - и, Шун-да қал-бим та-ни-ди ёр-
ни, шун - да қал- бим та - ни - ди ёр - ни.
Қуш - лар сай - рар жо - ним - га пай - васт,
Менсев-ги-нинг бў-йи би-лан маст. Ку-ни би-лан да-ла-да қол дим - м,
Ло - ла- зор-лар ич-ра йў-қол- дим - м. Шун-да кўр-ди кў-зим ба- ҳор-
ни - - и, Шун - да қал - бим та - ни - ди ёр - ни,
шун-да қал- бим та-ни-ди ёр - ни.
Қу-чоқ қу-чоқ гул-лар тер-га-ним, Ва кел-ти-риб сен-га бер-га-ни
м. Ке - ча - ги - дек ҳа - мон э - сим - да - - а.
Ҳар со- ни - я, ҳар- он э - сим - да. Ҳар со - ни - я, ҳар - он э - сим - да.
Шун-дан бе-ри ти-лим-да но - минг,




Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст.
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.

*Нақорат:* Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.

Қучоқ - қучоқ гуллар терганим,
Ва келтириб сенга берганим,
Кечагидек ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.

Шундан бери тилимда номинг,
Шундан бери дилимда номинг.

# ДЎППИ ТИКДИМ

*Т.Тўла* шеъри | *С.Калонов* мусиқаси




Дўппи тикдим чиройли,
Ака, бошингга лойиқ.
Кийиб чиққин биз ёққа,
Кўриб қўйсин халойиқ.

Дўппи тикдим тўрт гулли,
Ипаги турли-турли,
Ишқимни қўшиб тикдим,
Бўлмасин деб тўрт кунли.

Қатим тортдим жилолаб,
Меҳримни қўшиб боғлаб,
Муҳаббатим сеҳрлаб,
Олай бошингни боғлаб.

Дўппи дилим жилоси,
Ишқим оҳанграбоси,
Ишқини топсанг, дилдорим,
Шудир унинг давоси.

## УШШОҚ ҚАШҚАРЧАСИ

*Нозима* ғазали




-ҳо - лим ҳа - ну - з ағ - ё - ра пай - мон ай - ла - ди. Мис - ли бул - бул
гул ю - зи - н шав - қи - да ай - лар ман на - во. Лек э - шит - май
бир йў - ли - н кў - зим - ни гир - ён ай - ла - ди.
Ҳар ке - ча у ой фи - ро - қи - да че - кар - ман
оҳ - лар, Бир та - бас -
-сум қил - ма - йин ҳо - лим па - ри - шон ай - ла - ди.
(О) - Май - ли ши - рин тил би - лан
дер ман ка - мо - ли вас - фи - ни, Но - зи - ма гар - чи се - ни
ҳус - нинг - га боғ - бон ай - ла - ди. Но - зи - ма




Кўргузиб нозик жамолинг масту ҳайрон айлади,
Ўзи гул сайрига кетди бизни боғбон айлади,

Очилиб гул ғунчадек ўт солди жону жисмима,
Бир тараҳҳум қилмайин оламга достон айлади.

Кўргач ул Хуршид юзин, ўтлар туташди жонима,
Сўлдириб умрим гулин, бахтимни вайрон айлади.

Юз жамоли шомида парвона бўлдим ўртаниб,
Билмади ҳолим ҳануз ағёра паймон айлади.

Мисли булбул гул юзин шавқида айларман наво,
Лек эшитмай бир йўли кўзимни гирён айлади.

Ҳар кеча у ой фироқида чекарман оҳлар,
Бир табассум қилмайин ҳолим паришон айлади.

Майли ширин тил билан дерман камоли васлини,
Нозима гарчи сени ҳуснингга боғбон айлади.

## ШИФОКОРЛАР

*П.Мўмин* шеъри *К.Жабборов* мусиқаси






Мен сиздан даво топдим,
Жонга жон шифокорлар
Мақсади саломатлик,
Меҳрибон шифокорлар.

Инсоннинг ҳаётига,
Чанг солса агар бир хавф,
Илмини қурол қилган,
Посбон шифокорлар.

Чин дилдан юракларга,
Бергайсиз даво малҳам,
Меҳрингиз қуёш гўё,
Жонажон шифокорлар.

Илмингиз қуёшидан,
Қалбларга югургай нур,
Халқ учун бўлинг Сиз ҳам
Соғ, омон шифокорлар.

# ИШЧИ ҚИЗЛАР ВАЛЬСИ

*Т.Тўла* сўзи — *Ф.Назаров* мусиқаси







Гўзал Тошкент оқшомин,
Нурлантирар юлдузлар.
Дўстлик, севги каломин,
Айтинг, ишчи, ҳур қизлар.

*Нақорат:*
Келинг, келинг, дугоналар,
Гир айланиб соз ўйнанг,
Куйлаб-куйлаб тароналар
Гир айланиб, ғоз ўйнанг.

Қўллари гул чевармиз,
Меҳнат, роҳат, фароғат,
Юртни жондан севармиз,
Топиб битмас Саодат.

*Нақорат:*
Келинг, келинг, дугоналар,
Гир айланиб, соз ўйнанг,
Куйлаб-куйлаб тароналар
Гир айланиб, ғоз ўйнанг.

Ёшлик гўзал бир баҳор,
Мафтун қилар дилларни,
Ҳусни қилади хумор,
Яшнатади дилларни.

*Нақорат:*
Келинг, келинг, дугоналар,
Гир айланиб соз ўйнанг,
Куйлаб-куйлаб, тароналар
Гир айланиб, ғоз ўйнанг.

## ЁРИНГ БЎЛАМАН, ДЕЙДИ

*А.Бобожон* шеъри — *С.Сафоев* мусиқаси

**М.М. ♩=160**






Сид-қуди-ли - м-дан сев - ги - ли - м
боғ-бон бў-ла - ман де-й - ди.
(О -
- - - - ой.) Бу сев-ги а - ро се - в - ги-ли
м дос-то-н де - са-ла - р ко - ш - ки,
Сен Зай-наб э-санг ме - н о -
rit.
шиқ О - мо-н бў - ла- ман дей - ди. Кимдеб сў - ра - а - са
Менҳа-м э - й гу-
дей - ди у Сен ка-би о - зо - д со - ҳи-би
ли - и Раъ - но.
дав-рон бў-ла - ман дей - ди.
(О -




Рад қилма, гўзал, сев мани, жонон бўламан, дейди,
Ишқ малҳами ила дардингга дармон бўламан, дейди.

Сидқу-садоқат боғига эксам севгини ниҳолин,
Сидқу-дилимдан севгилим боғбон бўламан, дейди.

Бу севги ором севгилим достон десалар кошки,
Сен Зайнаб эсанг, мен ошиқ Омон бўламан, дейди.

Ким деб сўраса, дейди у мен ҳам эй гули Раъно,
Сен каби озод соҳиби даврон бўламан, дейди.

Булбул эмас эди сен билсанг, у тинглаганинг ҳар тонг,
Ҳар тонг куйлаган ошиғинг меҳмон бўламан дейди.

Кўнглим уланган кўнглига, айтинг нима дейди дўстлар,
Жон ўргилайин жононингга қурбон бўламан, дейди.

# ҲАЁ

*М.Қориев* сўзи — *Ҳ.Раҳимов* мусиқаси

**М.М.♩=68-72**






Ишқимни ошкор этарга дилда ор айлар ҳаё,
Кўзга кўз тушганда лекин ошкор айлар ҳаё.

Гарчи севдим бунча ҳам душвор экан иқрори ишқ,
Тилни лол этсам, дилимни зор-зор айлар ҳаё.

Қалбдаги эзгу ниятни айтгали ошуфта ҳол,
Тутсам ишқ сирин ниҳон зор-зор айлар ҳаё.

Ҳар кўришда бир нигоҳ ташлаб ўтарсиз мен томон,
Шу нигоҳдан лола юзни лолазор айлар ҳаё.

Неча севганларни кўрдим, тингладим ишқ куйини,
Ишқимни ошкор этарга шармисор айлар ҳаё.

# ДУТОРИМ МЕНИНГ

*Ҳ.Ниёз* сўзи

*Ҳ.Турдиқулов* мусиқаси






Бармоғим ӯйнайди, журек нағмаси,
Ким суюб тингламас, дутор ҳаваси.
Гештеклар жонламас бӯлмаса созинг,
Кӯйлийеш берар дуторим менинг.

Баҳор ҳайу зимдай, жанға жағасан,
Эгирди торини, жипакдан қилсам.
Жоликпайман куни, туни ӯйнасам,
Кӯнглимни қумори, дуторим менинг.

Хауез қилсам жонглотарман жаҳонди,
Хош хауазинг талкитади одамди,
Сен орқали шоирлардан сӯз қолди,
Умримни сериги дуторим менинг.

# ҚАЛБ

*Н.Нарзуллаев* шеъри  *Р.Турсунов* мусиқаси






Кўнгил ёришар боқсам,
Субҳидам шабнам бўлса,
Гулнинг ашкини айтинг,
Япроғида нам бўлса.

Қалбида қуёш порлаб,
Севги ўтида ёниб.
Ҳар кун кутар, у сезмас,
Ёнида турган бўлса.

Одобу назокатда,
Ўз ишқи баён айлар,
Тенгини топиб бўлмас,
Ул ёруғ олам бўлса.

Севгини куйга солдим
Қалбимда ўзинг борсан,
Майли ганжувон ёзма
Қалбингда алам бўлса.

Нарзи сақла ёдингда,
Ким айтар бахтиёр деб,
Бу оламда гар хуштор,
Ул ошиғинг кам бўлса.

## СЕН ЁР УЧУН

*Манзура* сўзи

*Ф.Содиқов* мусиқаси






Ишқингда куйдим ўртаниб
Мен мубтало сен ёр учун,
Чекдим фиғонлар оҳ уриб,
Мен мубтало сен ёр учун.

Билмам сенинг кўнглинг надур,
Ҳажрингда жоним ўртанур,
Қилсам наво жисмим куйиб,
Мен мубтало сен ёр учун.

Сабру қарору, тоқатим,
Кетди қўлимдан тоатим.
Қолмишам охир ер чизиб,
Мен мубтало сен ёр учун.

Мен ёрнинг оввораси,
Дардимни борму чораси,
Боқсанг недур бир гал кулиб,
Мен мубталдо сен ёр учун.

Бўлмай насиб враслинг майи,
Қилди наво Манзураи,
Гоҳ йиғлабон, гоҳи кулуб
Мен мубтало сен ёр учун.

## ВАТАН ЯЛЛАСИ

*Ҳабибий* сўзи — *М.Мирзаев* мусиқаси

**М.М. ♩. =48-52**




Мар-ғи-лон - нинг ат-ла-си-ни мингранг-ли-ги- бо - рбу-н-да.
Ми-нгранг-ли-ги - - и бо - рбун-да.
Қу-лу-н-лар-нинг киш-на-ши са-до бе-ра-р тоғ-лар-да-
-а, Қи-ми-з су-за - р ко - са-ни-нг
жа-ра-нг-ли-ги бо - р бун-да. Ме- зон шо-мо-л
пах-та-дан и-пак тор-тар то - р-лар. Ҳар то-ри-да
тан - бур-нинг та-ранг - ли-ги бо - р бун-да.
Қа-ват - қа-ват уй-лар-га ой чи-қа-ди тир-ма - шиб
Ол-тин қўл-ли ус-та-нинг фа-ранг-ли-ги бо - рбу-н-да.




Қўшиқларим дилда-ю, жаранглиги бор бунда,
Қўшиқ янграр қирларнинг чаманлиги бор бунда.

Баҳор севган боғларни акси этган момоёр,
Марғилоннинг атласин минг ранглиги бор бунда.

Қулунларнинг кишнаши садо берар тоғларда,
Қимиз сузар косанинг жаранглиги бор бунда.

Мезон шамол пахтадан ипак тортар, торлар,
Ҳар торида танбурнинг таранглиги бор бунда.

Қават-қават уйларга ой чиқади тирмашиб,
Олтин қўлли устанинг фаранглиги бор бунда.

## МЎҒУЛЧАИ БУЗРУК ҚАШҚАРЧАСИ

*Атоий* сўзи

**М.М.** ♩ =112




- чо - ра кўнг - лум бор - ди ҳам - ро - ҳинг се - нинг, гар - чи мен туш
- тум жа - мо - линг - дин ё - мон кўз - дин йи - роқ, (ё - рей),
ях - ши - ким, бе - чо - ра кўнг - лум бор - ди ҳам - ро - ҳинг се - нинг,
ях - ши - ким, бе - чо - ра кўнг - лум бор - ди ҳам - ро - ҳинг се - нинг.
хо - ҳ(и) вас - линг бир - ла тир - гуз, хо - ҳ(и) ўл - тур ҳажр и - ла,
мен ри - зо бер - дим не - чук - ким бўл - са дил - ҳо - ҳинг се - нинг (о -
- о)
Ҳо - ҳ(и) вас - линг бир - ла тир - гуз, ҳо - ҳ(и) ўл - тир ҳажр и - ла,
(ё - рей) мен ри - зо бер - дим не - чук - ким бўл - са дил - ҳо -


ҳинг се -нинг, (о).
Ҳо - жат эр - мас ҳаз - ра - тинг - да
ар - з(и) ҳо - жат ай - ла - мак, чун та - жал - ли кўз - гу - си - дур
та - бъи о - го - ҳинг се - нинг (о - - - - о
ё - ра - мей).
Не а - жаб ет - санг А - то - йи бир тун ул ой вас - ли - на, (о
о о о
о ё - рам - мей), ким ў - тар ет - ти фа - лак - дин
ҳар са - ҳар о - ҳинг се - нинг, (о о).
Не а - жаб ет - санг А - то - йи бир тун ул ой вас - ли - на,




Эй саодат матлаъи, ул орази моҳинг сенинг,
Ҳусн афлокинда йўқтур мислу ҳамтойинг сенинг.

Каъбаи арбоби ҳожат қошларинг меҳробидур,
Қиблаи аҳли муҳаббат хоки даргоҳинг сенинг.

Бу латофатким, паритек сендадур, эй рашки ҳур,
Гўйё боғи Эрамдур саҳни хиргоҳинг сенинг.

Гарчи мен туштум жамолингдин ёмон кўздек йироқ,
Яхшиким, бечора кўнглим борди ҳамроҳинг сенинг.

Хоҳи васлинг бирла тиргуз, хоҳи ўлтур ҳажр ила,
Мен ризо бердим нечукким, бўлса дил хоҳинг сенинг.

Ҳожат эрмас ҳазратингда арзи ҳожат айламак,
Чун тажалли кўзгусидур табъи огоҳинг сенинг.

Не ажаб етсанг Атойи бир тун ул ой васлина,
Ким ўтар етти фалакдин ҳар саҳар оҳинг сенинг.

## МЎҒУЛЧАИ БУЗРУК СОҚИЙНОМАСИ

*Нодира* сўзи

**М.М.♩ =120**




о - йи хайр э - та - р - мен. Мақ - су - дим э - ру-
р Се - нинг ка - мо - линг. Ул ой - ни ў-
зинг - га баҳс э - тар са - н (О) - -
- Ет - муш ма - гар эл қу - ёш за - во -
-ли.
Уш - шоқ - ла - ринг ғa - минг - да ўл - ди,
Йўқ - дур се - нинг Зар - ра - и ма - ло - ли - - нг.
(О - о - о - о - о - - о)
Уш - шоқ - ла - ринг
ғa - ми - нг - да ўл - ди,- Йўқ - дур - се - ни - нг
зар - ра - и ма - ло - ли - нг (О - о - о - о - о -



-ҳо)
Эй ҳас- та кўн- ги - л фи - роқ и - чин - да,
Дам ур - га - ли қол - ма - ди ма - жо - линг - (а) (О -
- о - - ё - ра ма)
Эй ҳас - та кўн - гил
Фи - роқ и - чин - да - - - - -
Дам ур - га - ли қо - - л - ма - ди ма - жо - линг (а)
(О - - о - - ё - рам) - - Эй Но - ди - ра
ло - ф(и) ишқ у - рар се - н (О - -
- Маш - ҳу - ри ҳа - ло - йи - қ ўл - ди ҳо - линг.

Эй сарви равон, надур хаёлинг,
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста дуои хайр этармен,
Мақсудим эрур сенинг камолинг.

Ул ойдек ўзингга баҳс этарсен,
Етмуш магар эл қуёш заволи.

Ушшоқларинг ғамингда ўлди,
Йўқдур сенинг зарраи малолинг.

Эй хаста кўнгил, фироқ ичинда,
Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй Нодира, лоф ишқ урарсен,
Машҳури халойиқ ўлди ҳолинг.

## НЕТАЙ
(Баёт V)

*Огаҳий* ғазали






Кўрмасам меҳру жамолинг моҳи анбарни нетай,
Сўрмасам лаъли зилолим оби кавсарни нетай.

Қаддини раъно ниҳолин гар томошо қилмасам,
Боғаро наззораи сарву санубарни нетай.

Ҳар нафас ширин каломи жонга роҳат бермаса,
Базм аро қанду, новвоту, шаҳду шаккарни нетай.

Огаҳий гар боқмаса, хублар сари айб этма ким,
Базм аро гар йўқдур ул ой ўзга дилбарни нетай.

## МЕНГА НАВБАТ

*Т.Тўла* сўзи *Ф.Содиқов* мусиқаси






Эй субҳи сабоҳ еллари, тўхтанг, менга навбат,
Тингланг мени Поп еллари, тўхтанг, менга навбат!

Куйлай далалар созига созим унга ҳам соз,
Серзавқ дала булбуллари тўхтанг, менга навбат!

Ширмон дея, Ширмон дея куйлаб ва этиб лол,
Келтирди хушон йўллари, тўхтанг, менга навбат!

Топсин ғўзалар бағрида яширин ғазалимни,
Толмас ва тарам қўллари, тўхтанг, менга навбат!

Ошуфта бу дил сатрини сайқалласа зора,
Бўстон бўйи кокиллари, тўхтанг, менга навбат!

Куйлай далалар созига созим унга ҳам соз,
Сир еллари соҳиллари, тўхтанг, менга навбат.

Ширмон дея, Ширмон дея куйлаб ва этиб лол,
Келтирди хушон йўллари, тўхтанг, менга навбат!

Қўй, токи Туроб юртини куйлаб мазза қилсин,
Яйраб яна кўнгиллари тўхтанг, менга навбат.

## БЕВАФОГА

*Машраб* ғазали — *Н.Ҳасанов* мусиқаси




Ғун - ча - да ҳо - нинг пис - та - и - хан- дон.,
Кўз - ла - ри чўл - по - н зул - фи па - ри - шо - н,
сар - ви хи - ро - мо - н қо - шу қа - ро - га.
Маҳ - буб - лар ич - ра зо - лим э - кан - сан,
Меҳ - ру ва - фо - ни бил - ма - с э - кан - сан,
(О) - - - -
(О - - фар - ё - да) Жаб - ру жа - фо - лар
ай - лар э - кан са - н, Эй - ё - ружо - ни - м
бе - раҳм э - кан сан, Раҳм ай - ла - май сан - -




Кўрдим юзингни қолдим балога,
Ҳажрингда юз минг жабру жафога,
Қайга борай мен энди давога,
Арзимни айтай боду сабога.
Биздан дуолар ул бевафога,

Рухсори тобон меҳру дурафшон,
Икки лаби ҳам лаъли бадахшон,
Ғунча даҳонинг пистаи хандон,
Кўзлари чўлпон зулфи паришон,
Сарви хиромон қошу қарога.

Маҳбублар ичра золим экансан,
Меҳру вафони билмас экансан,
Жабру жафолар айлар экансан,
Эй ёру жоним бемеҳр экансан,
Раҳм айламайсан мен мубталога.

## КУРД

*Муқимий* сўзи

Халқ мусиқаси

♪=164-168

♩=104




жо - но жо - нон қай - да - дур, (ё - ра)
қай - да - дур, Кў - риб гул ю - зинг - ни боғ - да
бан - да - дур, (ё - рей.) Сақ - лай иш - қинг
то - ки жо - ним тан - да - дур, (ё - ра)
тан - да - дур, Ў - зим ҳар жой - да ма - н(а) кўнг -
лу - м сан - да - дур. (ё.)
Меҳ - ринг ў - ти но - гоҳ туш ди
жон - лар - га, Пар - во -
йим йўқ зар - ра - хо - ну - мон - лар - га,
Ло - ла янг - лиғ тў - либ ба ғ - рим қон - лар - га,


Ў-зим ҳар жой - да ма - н(а) кўнг - лу - м сан - да - дур
(ё - ра.)
Эр - та - ю кеч фик - ру зик - ри - м
ха - ё - линг. Бир сўр -
ма - ди қан - дай кеч - ди - и аҳ - во - линг,
Эс - ла - ри - м - га туш - муш ши - ри - н ма - қо - линг,
(ё - ра) ма - қо - ли - нг, Ў - зим ҳар жой - да ма - н(а)
кўнг - лу - м сан - да - дур. (ё - ра. жо -
най) ў - зим ай - ло - на - йи - н а
шаҳ - ло - о кў - зинг - дан ё - ра.

Энди сендек жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур.

Сақлай ишқинг токи жоним тандадур,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Меҳринг ўти ногоҳ тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хонумонларга.

Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман кўнглум сандадур.

Эртаю кеч фикру зикрим хаёлинг,
Бир сўрмади қандай кечди аҳволинг.

Эсларимга тушмуш ширин мақолинг,
Ўзим айлонайин шаҳло кўзингдан.

## ЭЙ, СОҲИБИ ДИЛ

*Т.Тўла* сўзи — *С.Ҳайитбоев* мусиқаси

**М.М.♩ =52-56**






Эй соҳиби дил, кўнглум олиб, қийнамасанг-чи,
Кўнглумни олиб, ўтга солиб, қийнамасанг-чи,
Жон ила таним билки, мани сен ила ёлғиз,
Ишқ соҳилини терс ёқалаб, қийнамасанг-чи.
Ним парда кўнглум шавқи билан ақлим олибсан,
Ақлимни олиб ҳам йўқолиб, қийнамасанг-чи.

Соз дардга келур қийноғидин созандасини,
Созанда мисол қалбим чалиб куйламасанг-чи,
Ўйнашма юрак дарди билан дардман эрсанг,
Кетмасму охир у ўт олиб қийнамасанг-чи,
Андишадур балки хушум сеҳри кечирсин,
Оҳ, жажжигина жоним олиб қийнамасанг-чи.

## БИР ИШВА БИЛАН

*Ҳамза* сўзи

*М.Муртазоев* мусиқаси






Бир ишва билан жонон (а),
Девона қилиб кетди.
Ақлимни сочиб ҳар ён (а),
Мастона қилиб кетди.

Аввалда олиб кўнглим,
Чин аҳду вафо бирлан,
Охирда жафоларга,
Ғамхона қилиб кетди.

Билман не гуноҳим бор,
Олмайди хабар бир йўл,
Ё рашк ила ағёрим (о),
Бегона қилиб кетди.

Мен кимга бориб йиғлай,
Ул шўхи ситам гардин,
Юрт элга бўлиб телба,
Афсона қилиб кетди.

## ГУЛ ЎҒЛОН

*Ожиза* ғазали ва мусиқаси






Гул ўғлон, гул ўғлон,
Гул қадрини бил ўғлон.
Гул қадрини билмасанг,
Чаманда булбул ўғлон.

*Нақорат:*
Оромижон нигорим,
Сарви равон нигорим,
На қолди манда тоқат,
На қилсанг ихтиёрим.

Тоғлара қор тушибди,
Кўнглима ёр тушибди,
Ёра бичилган қуйнак (эй)
Ёқаси тор тушибди.

*Нақорат:*
Оромижон нигорим,
Сарви равон нигорим,
На қолди манда тоқат,
На қилсанг ихтиёрим.

Бир кўрсатиб юзингни,
Қуйдинг мани балога,
Недур мани гуноҳим (эй)
Чақдинг ўзни панога.

*Нақорат:*
Оромижон нигорим,
Сарви равон нигорим,
На қолди манда тоқат,
На қилсанг ихтиёрим.

# ЗЕБИХОН НОМИНГ УЧУН

*Б.Мирзаев* сўзи — *Ф.Содиқов* мусиқаси



Сен қурол олдинг қўлингга,
Эл учун, шонинг учун,
Гул диёринг, ёру дўстинг,
Ҳам қадрдонинг учун.

Қақшатар отган ўқинг,
Шарманда ёвлар тўдасин.
Чунки сан ўзбек қизисан,
Зебихон номинг учун.

Демасун қўрқоқ сени, –
Деб жангга кирдинг, қайтмадинг,
Чунки сен содиқ Ватанга,
Зебихон номинг учун.

Белни боғлаб наъра тортдинг,
Минг йигитга бош бўлиб,
Қайтма жангдан, олға бос,
Халқинг, қадрдонинг учун.

Чунки сан ўзбек қизисан,
Зебихон номинг учун.

## ДУРДОНА ГУЛ

*Я.Қурбон* сўзи — *О.Қосимов* мусиқаси






Мен боғларни севаман,
Хушчоғларни севаман,
Чаманимга файз берган,
Дурдона гул, дурдона.

Чаккангда яшнар, ял-ял,
Ҳар бир нарсадан гўзал,
Ошиқ аҳлин дилига,
Бир дона гул, бир дона.

Бағри тош одамларга,
Из қолмас қаламларга,
Ҳар доим гул бегона,
Бегона гул, бегона.

Гулларга тўлса дунё,
Кўзлардан ёғар зиё,
Дилни дилга пайвандлар,
Ягона гул, ягона.

# СОЧЛАРИМ ТОЛИМ-ТОЛИМ

*Б.Мирзаев* сўзи                                                                                    *Ҳ.Раҳимов* мусиқаси




Сочларим толим-толим, сенда хаёлим,
Кеча хатингни олиб, кулди жамолим.

Боғда булбул сайрайди, дардин баён айлайди,
Овозасин эшитсам, дилим яйрайди.

Фикру хаёлим сенда, ўша чаманда,
Иқболимиз очилгай, шундай замонда.

Сочларим толим-толим, майдалаб ўролмайман,
Ёрим янги ерларда, мен ҳам қолмайман.

Мен ҳам кетдим чўл билан, ўша йўл билан,
Мени унда кутиб ол, даста гул билан.

Мен борай боргунимча,ёр соғинтирдинг мунча,
Булбул асил сайрармиш, гул очилгунча.

# ҚОШИНГ ҚАРОСИ

*Т.Тўла* сўзи | *F.Тошматов* мусиқаси

М.М. ♩ =96






Қошинг қароси бало,
Нетай мен унга шайдо,
Арзи ҳолимни еткур,
Чаманда эсган сабо.

Бориб айтинг тўрғайлар,
Ул Ғариб кимни пойлар,
Мендек куйган бу Мажнун,
Шунча йил, шунча ойлар.

Чертма жўрам, торингни,
Элга ёйма зорингни,
Тушимда ҳам кўрмайман,
Юракдаги ёримни.

Гул шохида булбулни,
Тутиб олгим келади,
Кўнглимдаги ёримни,
Кунда кўргим келади.

Қалдирғоч қаро экан,
Қаноти ало экан,
Ёшликда берган кўнгил,
Айрилмас бало экан.

## ЁРИНГ БЎЛАЙ

*С.Абдулла* сўзи — *Т.Жалилов* мусиқаси

**М.М.♩ =80**




До - ри - дар - мон - лар ту - тиб ё - нинг - да тай - ё - ринг
бў - лай. Бор - ма - сам бўл - мас
Ва - тан фар - зан - ди ман о - рим ке -
лур. Ёв то - мон қат - тиқ ҳу - жум қил -
- моқ - да ҳам - ко - ринг бў - лай.
Эл ҳа - ё - ти - га за - ҳар сол -
моқ - чи бўл - ган - лар - - ни янч.
Сен би - лан бир - га бо - рай бир - га за - фар - до - ринг
бў - лай. Шуб - ҳа - сиз ги - т - лер
- га гўр - қаз - гай пў - лат най - занг се - ни.




Ташлама бунда мани, майдонда ҳам ёринг бўлай,
Дори-дармонлар тутиб, ёнингда тайёринг бўлай.
Борсам бўлмас Ватан фарзандиман, орим келур,
Ёв томон қаттиқ ҳужум қилмоқда ҳамкоринг бўлай.

Эл ҳаётига заҳар солмоқчи бўлганларни янч,
Сен билан бирга бўлай, бирга зафардоринг бўлай.
Шубҳасиз, гитлерга гўр қазгай пўлат найзанг сени,
Сўнгра шодлик бахш этувчи ялла гулёринг бўлай.

## ТОКАЙ

*Увайсий* ғазали

*К.Жабборов* мусиқаси

M.M. ♩ = 48-52






Бошимға ёғдурурсан, эй фалак, борони ғам токай,
Ёзарсан паст иқболимни, эй лавҳи қалам токай,
Ўзимдинму, фалакдинму ва ё иқболи пастимдин,
Туну кун дўстдин озор, душмандин ситам токай,
Увайсий, қолғон умринг ол юзингга қиблаи мақсуд,
Хирад бозорида қилғунду савдои санам токай.

## АДАБИЁТЛАР

**Ю.Ражабий**. «Мусиқа меросимизга бир назар», Т., 1978 й.
**И.Ражабов**. «Мақомлар масаласига доир», Т., «Фан», 1963 й.
**И.Ражабов**. «Мақомлар» (Нашрга тайёрловчи О.Иброҳимов), Т., «Санъат», 2006 й.
**М.Абдуқундузов**. «Санъатимиз фидоийлари», Т., 2004 й.
**О.Матёқубов**. «Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа асосларига кириш», Т., 1989 й.
**О.Матёқубов**. «Мақомот», «Мусиқа», 2004 й.
**Р.Юнусов**. «Фахриддин Содиқов» Т., 2005 й.
**С.Бегматов**. «Орифхон Ҳотамов», Т., «Янги аср авлоди», 2000 й.
**Ҳ.Ражабий**. «Эл эъзозидаги санъаткор», Халқ сўзи, 2007 й., 16 январь.
**С.Маннопов**. «Сўнмас Наволар», Фарғона, 2002 й.

## МУНДАРИЖА

Кириш ... 3
Коммуна Исмоилова (ҳаёти ва ижодий йўли) ... 4
Радионинг олтин фондига ёзиб олинган асарлар рўйхати ... 16

«Саодат», *А.Исроил, Ғ.Тошматов* ... 21
«Тонг еллари», *А.Исроил, Н.Ҳасанов* ... 22
«Қиз узатдик», *Г.Жўраева, Ғ.Тошматов* ... 24
«Барно йигит», *С.Зуннунова, Ф.Содиқов* ... 25
«Сўлим баҳор», *А.Исроил, Ф.Содиқов* ... 27
«Гул», *С.Абдулла, М.Мадалиев* ... 29
«Ўйланма», *А.Бобожон, К.Отаниёзов* ... 31
«Сайёра», *Фурқат, Ҳамза* ... 33
«Эй, мунис она», *Я.Қурбон, С.Тўхтасинов* ... 35
«Эй, чеҳраси тобоним», *Муқимий, Ф.Содиқов* ... 37
«Мардга кўнгил боғла», *Я.Қурбон, Н.Ҳасанов* ... 39
«Ўғлима ўхшайди овозинг сани», *«Ошиқ Ғариб» достонидан, К.Отаниёзов* ... 40
«Бир гўзал бордур», *Миртемир, Ф.Содиқов* ... 42
«Ноз этма», *Чустий, С.Жалил* ... 44
«Ёшлик чоғимда», *Ҳ.Олимжон, С.Жалил* ... 45
«Дўппи тикдим», *Т.Тўла, С.Калонов* ... 48
«Ушшоқ Қашқарчаси», *Нозима* ... 49
«Шифокорлар», *П.Мўмин, К.Жабборов* ... 51
«Ишчи қизлар вальси», *Т.Тўла, Ф.Назаров* ... 53
«Ёринг бўламан, дейди», *А.Бобожон, С.Сафоев* ... 54
«Ҳаё», *М.Қориев, Ҳ.Раҳимов* ... 57
«Дуторим менинг», *Ҳ.Ниёз, Х.Турдиқулов* ... 59
«Қалб», *Н.Нарзуллаев, Р.Турсунов* ... 61
«Сен ёр учун», *Манзура, Ф.Содиқов* ... 63
«Ватан ялласи», *Ҳабибий, М.Мирзаев* ... 65
«Мўғулчаи Бузрук Қашқарчаси», *Атоий* ... 68
«Мўғулчаи Бузрук Соқийномаси», *Нодира* ... 71
«Нетай» (Баёт V), Огаҳий ... 74
«Менга навбат», *Т.Тўла, Ф.Содиқов* ... 75
«Бевафога», *Машраб, Н.Ҳасанов* ... 77
«Курд», *Муқимий, халқ мусиқаси* ... 79
«Эй, соҳиби дил», Т.Тўла, С.Ҳайитбоев ... 82
«Бир ишва билан», *Ҳамза, М.Муртазоев* ... 83
«Гул ўғлон», Ожиза сўзи ва мусиқаси ... 84
«Зебихон номинг учун», Б.Мирзаев, Ф.Содиқов ... 86
«Дурдона гул», *Я.Қурбон, О.Қосимов* ... 87
«Сочларим толим-толим», *Б.Мирзаев, Ҳ.Раҳимов* ... 89
«Қошинг қароси», *Т.Тўла, Ғ.Тошматов* ... 90
«Ёринг бўлай», *С.Абдулла, Т.Жалилов* ... 91
«Токай», *Увайсий, К.Жабборов* ... 93

Адабиётлар ... 94

**Абдуқаҳҳор ЖАЛИЛОВ**

**КОММУНА ИСМОИЛОВА**

Нашр учун масъул *О.Раҳимов*
Муҳаррир *Ҳ.Юсупова*
Рассом *Ш.Одилов*
Техник муҳаррир *Б.Ашуров*
Мусаҳҳиҳ *Ҳ.Юсупова*
Компьютерда тайёрловчи *Бахтиёр Ашуров*

11.11.2009 й.да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 $^1/_8$.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли б.т. 12,0.
Адади 500 нусха. Буюртма № 44

«Musiqa» нашриёти. Тошкент, Б.Зокиров кўчаси, 1.

«Noshir» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси пастки савдо расталари.



Абдуқаҳҳор Жалилов 1971 йил Наманган вилоятида туғилган. 2002 йил Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Анъанавий хонандалик» мутахассислиги бўйича магистр босқичини тамомлаган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси, «Анъанавий ижрочилик» кафедраси катта ўқитувчиси ва Тошкент маданият коллежи «Анъанавий ижрочилик» кафедрасининг мудири лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Муаллиф ушбу рисоласида, Ўзбекистон Халқ артисти Коммуна Исмоилованинг ҳаёти ва санъат соҳасидаги серқирра ижоди ҳақида фикр юритади.

ISBN 978-9943-307-46-9

«MUSIQA»